БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 279 (17.859) • 7 декабрь 1980 йил, якшанба • Баҳоси 2 тийин.

ОРБИТАДАН ЯНГИЛИКЛАР

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 5 декабрь. (ТАСС). Леонид Кизим, Олег Макаров ва Геннадий Стрекалов «Салют-6» — «Союз Т-3» —«Прогресс-11» орбитал комплекси ичида муваффақиятли ишламоқдалар.

Белгиланган программага мувофиқ станцияда профилактик тадбирлар давом эттирилмоқда. Кеча экипаж телеметрия ўлчаш системасида ишдан чиққан электрон блокни ремонт қилиб бўлди. Космонавтлар станция ичидаги асбоблар комплекти ёрдами билан блокни бироз қисмларга ажратиб, унинг айрим элементларини алмаштирдилар. Мутахассисларнинг фикрича, телеметрик ўлчаш системасининг иш қобилиятини тиклаш борасидаги ишлар батамом бажарилиб бўлди. Бугун станция ичидаги комплексни бошқариш системасини тиклаш ишларини ўтказиш мўлжалланган. «Салют-6» мустақил учаётган пайтда электр таъминот коммутацияси блокида носозлик борлиги пайқалди. Энди экипаж мутахассисларнинг тавсияларига амал қилиб, электр занжиридаги параметрларни ўлчаб чиқиши, носозликни топиб, уни йўқотиши лозим.

«Қотишма» установкасида 1 декабрда бошланган технологик эксперимент ниҳоясига етказилди. Бу эксперимент кадмий-симоб-теллур ним ўтказгич материалининг монокристалини олиш мақсадида ўказилди.

Медицина текширишлари программасига мувофиқ бугун экипаж командири велоэргометрда жисмоний машқлар бажараётган пайтда унинг юрак-қон томир системаси тадқиқ этилади. Борт инженер ва тадқиқотчи космонавтни текшириш яқин кунларга мўлжалланган.

Комплекс ичидаги ишлар программаси муваффақиятли бажарилмоқда.

КОММУНИСТ МИНБАРДА

Коммунист сўзламоқда. Унинг партиявий ҳароратли, теран мулоҳазаларини йиғилиш аҳли берилиб тингламоқда.

— Бригадамизда ўтган йиллар мобайнида машина терими салмоғи 40—45 процентдан ошмади, — сўзини давом эттиради Термиз районидаги Жданов номли колхоз механизатори А. Асатуллаев маслакдош дўстларига бир-бир боқаркан. — Тўғри, ингичка толали пахтани машинада териш анча мураккаб. Аммо областимиздаги илғор коллективлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, иш тўғри ташкил этилса, машина теримига олдиндан пухта тайёргарлик кўрилса, механизатор кадрлар малакаси оширилса, ҳосилнинг 75, ҳатто 80 процентини ҳам машинада териб олиш мумкин. Ун биринчи беш йилликдаги юксалиш режалари шу йўлдан боришни тақозо этмоқда.

Коммунист — партиянинг оташин жангчиси. У энг аввало тарбиячидир. Ўз намунаси, даъватқор сўзи, ибратли тажрибаси, салоҳияти билан бошқаларни тарбиялайди, коммунистик қурилишнинг янги-янги довонларига одамларни руҳлантиради. Партия аъзосининг жонкуярлиги, мамлакат, халқ олдидаги партиявий бурчни чуқур ҳис этиш туйғуси ҳамма ишларда намоён бўлиб турган партия ташкилотларида ташаббускорлик, изланувчанлик, ўртоқларча холис талабчанлик вазияти мустаҳкам қарор топмоқда.

Республика бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди, район ва шаҳар партия конференциялари эса бошланиб кетди. «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига қўйилганлиги бу конференциялардаги кўтаринкилик руҳини беқиёс ошириб юборди. Коммунистлар ҳар бир меҳнат коллективи шаҳар ва районнинг истиқболига ўн биринчи беш йилликка белгиланаётган социал-иқтисодий тадбирлар кўлами жиҳатидан назар ташламоқдалар, тараққиётимизни янада жадаллаштириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, иқтисод ва тежамкорликка қаратилган фойдали таклифлар киритмоқдалар.

Келгуси беш йиллик ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини кўпайтириш, совет кишиларининг ижтимоий активлигини ошириш ва меҳнат ғайратини кучайтириш асосида шахсни ҳар томонлама камол топтиришда муҳим босқич бўлади. Шу боисдан Асосий йўналишлар муҳокамаси жараёнида партия ташкилотларининг коммунистик тарбия ишини такомиллаштириш, бу ишга комплекс ёндашишни чуқурлаштириш хусусида принципиал фикр юритилмоқда, бу ўн биринчи беш йилликка мўлжалланаётган улуғвор режаларни рўёбга чиқаришнинг муҳим шарти эканлиги таъкидланмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Марказий Комитетнинг шу йил июнь ва октябрь Пленумларида таъкидлаганидек, бу йиғилишлар коммунистлар учун ғолвий етуклик, ишчанлик, ташаббускорликни оширишнинг муҳим синови бўлмоқда. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистлар партия ташкилотининг ишини янада активлаштиришга қаратилган қимматли фикр ва мулоҳазалар билдирмоқдалар. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ҳар жабҳада иш сифатини яхшилашнинг ҳали ишга туширилмаган резервларини кўрсатиб бермоқдалар. Кўпчилик йиғилишлар танқид ва ўз-ўзини танқид асосида, камчиликлар партиявий принципиаллик билан таҳлил қилинган, ҳал этилмаган проблемалар хусусида ўзаро талабчанлик билан фикр юритилган вазиятда ўтаётир. «Агар биз ҳатто энг аччиқ ва оғир ҳақиқатни тўппа-тўғри айтишдан қўрқмасак, — деб уқтирган эди В. И. Ленин, — биз ҳамма ва ҳар қандай қийинчиликларни енгишни ўрганамиз, албатта ва ҳеч сўзсиз ўрганамиз». Коммунистлар ана шу ленинча кўрсатмага амал қилиб, ўнинчи беш йиллик топшириқлари қандай бажарилаётганлигини, меҳнат унумдорлигини оширишнинг ҳали ишга солинмаган қандай резервлари ишга туширилиши мумкинлигини муҳокама қилмоқдалар.

Ана шундай танқидий руҳ, ўзаро талабчанлик руҳи коммунистларнинг авангардлигини таъминлайди. Улар меҳнат коллективидаги ишнинг чинакам аҳволи учун ҳақиқий жонкуярлар сифатида майдонга чиқадилар. Сўнгги йилларда республика партия ташкилотларида бундай оташин курашчилар кўплаб вояга етмоқда. КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси Маҳмуджон Мўйдинов, СССР Давлат мукофотининг лауреати Аъзам Азимхонов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Аҳмаджон Одилов, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Панжи Шукуров сингари ўнлаб, юзлаб коммунистлар ўзлари етакчилик қилаётган меҳнат коллективларида меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда, уларнинг кучғайратини хўжалик вазифаларини амалга оширишга отлантиришда партиявий ташаббускорлик кўрсатмоқдалар. Эришилган муваффақиятларга таҳдидий назар ташлаш, камчиликларни синчковлик билан илғай олиш ва уларни бартараф этиш йўлларини излаш уларга хос фазилатлардир.

Коммунист минбарда... У нутқ сўзламоқда. Коллектив олдида турган улкан вазифаларни тилга олиб, камчиликларни бартараф этиш йўллари ҳақида гапирмоқда. Коммунистнинг партия ишига садоқати, халқ олдидаги жуда катта масъулиятни чуқур ҳис этиши ана шу дақиқаларда айниқса яққол намоён бўлмоқда. Кўпгина партия комитетлари коммунистларнинг авангардлик ролини кучайтириш, улар ишлаб чиқаришда чинакам ташкилотчилар сифатида майдонга чиқишлари учун партия минбарининг юксак нуфузидан ўринли фойдаланмоқдалар. Партия йиғилишларини тайёрлаш, ўтказиш, улар қабул қилган қарорни амалга ошириш йўлидаги кўп қиррали фаолиятда иштирок этиш коммунистларнинг активлигини ғоят кучайтирмоқда.

Тошкент ва Қашқадарё областлари, Олмалиқ шаҳар, Қумқўрғон ва Жиззах район партия комитетлари партия йиғилишлари, конференциялар, Асосий йўналишлари муҳокамаси чоғида билдирилган фикр ва мулоҳазалар юзасидан изчил чоралар кўрмоқдалар. Энг аввало бу мулоҳазалар тегишли бўлган партия, совет ва хўжалик органлари аниқланиб, улар белгилаган тадбирлар ижроси муттасил назорат қилиб борилаётир. Худди шу нарса ташкилотчилик, сиёсий-тарбиявий ишларида, хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини амалга оширишда партия комитетларига муваффақият келтирмоқда.

Партия конференцияларида олға томон ҳаракатимиз суръатларини кучайтириш, иш сифати ва самарадорлигини ошириш йўллари оқилона кўрсатиб берилмоқда, янгилиги ватанпарварлик ташаббуслари туғилмоқда. «Коммунистларнинг танқидий фикр- мулоҳазалари ва таклифлари жуда қимматлидир, — деб таъкидлади партия Марказий Комитетининг октябрь Пленумида сўзлаган нутқида ўртоқ Л. И. Брежнев. — Ана шу фикр-мулоҳазалар ва таклифлар юзасидан дарҳол конкрет чораларни кўраётган партия комитетлари ғоят тўғри иш қилмоқдалар. Бу — жуда соз, бу—йиғилишларнинг таъсирчанлигини, танқиднинг таъсирчанлигини кучайтиради».

Коммунистлар билдираётган танқидий фикр ва мулоҳазаларни умумлаштириш, улар юзасидан амалий тадбирлар белгилаб, бу тадбирларнинг ижрочиларини ва бажарилиш муддатларини конкретлаштириш, кейинчалик эса бу масала юзасидан муттасил назорат ўрнатиш партия комитетларининг бурчидир. Танқидий фикр ва мулоҳазаларнинг бирортасини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик бутун партиявий-ташкилий ишимиз янада юқори поғонага кўтарилишига, партия минбарининг нуфузи ошиб, коммунистларнинг активлиги, ташаббускорлиги, авангардлиги муттасил кучайиб боришига хизмат қилади. Бу коммунистлар, барча меҳнаткашларнинг КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб кутиб олиш учун оммавий мусобақаси янада авж олишининг зарур шартидир.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар раҳбар арбобларининг учрашув пайти.

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР РАҲБАР АРБОБЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

1980 йил 5 декабрь куни Москвада Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар партия ва давлат арбобларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда:

Болгария Халқ Республикасидан — БКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, БХР Давлат кенгашининг Раиси Т. Живков, БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР Министрлар Советининг Раиси С. Тодоров, БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР ташқи ишлар министри П. Младенов, БКП Марказий Комитетининг аъзоси Д. Методиев;

Венгрия Халқ Республикасидан — ВСИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Я. Кадар, ВСИП Марказий Комитетининг секретари А. Денеш, ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, ВХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Я. Борбаванди;

Германия Демократик Республикасидан — ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат кенгашининг Раиси Э. Хонеккер, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Советининг Раиси В. Штоф, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари Г. Аксен, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР миллий мудофаа министри Г. Гофман, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР давлат хавфсизлиги министри Э. Мильке;

Польша Халқ Республикасидан — ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари С. Каня, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Советининг Раиси Ю. Миньковский, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПБИП Марказий Комитетининг секретари К. Барчиковский, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПБИП Марказий Комитетининг секретари С. Ольшовский, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР миллий мудофаа министри В. Ярузельский, ПБИП Марказий Комитетининг аъзоси, ПХР ташқи ишлар министри Ю. Чирек, ПБИП Марказий Комитетининг аъзоси, ПХР ички ишлар министри М. Милевский;

Румния Социалистик Республикасидан—РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзоси, РСР ҳукуматининг бош министри И. Вердец, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзоси, РКП Марказий Комитетининг секретари В. Казаку, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, РСР ташқи ишлар министри Ш. Андрей;

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидан — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси Ю. В. Андропов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков;

Чехословакия Социалистик Республикасидан — ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак, ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР ҳукуматининг Раиси Л. Штроугал, ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧКП Марказий Комитетининг секретари В. Билак иштирок этдилар.

Учрашув қатнашчилари кейинги ойларда халқаро вазиятнинг ривожи тўғрисида фикрлашиб олдилар. Улар воқеаларнинг бориши Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг 1980 йил май ойида Варшавада ўтказилган кенгашида берилган баҳоларнинг тўғрилигини ва ўртага қўйилган таклифларнинг актуаллигини тасдиқламоқда, деб ҳисоблайдилар. Ана шу таклифлар Европада ва дунёнинг бошқа районларида содир бўлаётган жараёнларга ижобий таъсир ўтказмоқда, халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушмоқда.

Турли ижтимоий тузумдаги давлатлар ўртасида сиёсий алоқалар активлашганлиги; энг муҳим халқаро проблемаларга доир мулоқот давом эттирилаётганлиги; БМТ Бош Ассамблеяси социалистик мамлакатлар ҳамда бошқа мамлакатларнинг қуролланиш пойгасини чеклаш ва тўхтатишга доир таъсирчан чораларни тезроқ амалга оширишга қаратилган таклифларини самарали кўриб чиққанлиги мамнуният билан қайд этилди. Ана шуларнинг ҳаммаси нескинликни юмшатиш жараёнига ёрдам беради.

Социалистик мамлакатлар халқаро иқлимни соғломлаштиришга, тинчликни мустаҳкамлашга, нескинликни юмшатиш снёсатини давом эттиришга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга, можароларнинг ҳаммасини музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этишга бундан буён ҳам ҳисса қўшиш ниятида эканликларини билдирдилар. Учрашув қатнашчилари ижтимоий тузумларидан қатъи назар барча мамлакатлар билан мустақиллик, суверенитет принциплари асосида муносабатларни ривожлантириш учун, давлатлар ўртасидаги муносабатларда куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан дўқ қилишдан воз кечиш учун, БМТ Уставини қаттиқ ҳурмат қилиш учун қатъий курашмоқдалар.

Учрашув қатнашчилари барча тараққийпарвар, демократик, антиимпериалистик кучлар билан ҳамкорлик қилиш учун, уруш хавфига қарши, тинчлик, қуролсизланиш ва биринчи навбатда ядровий қуролсизланиш снёсати йўлидаги, нескинликни юмшатиш ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик йўлидаги курашда барча халқларнинг бирдамлигини мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилаётганликларини таъкидладилар.

Учрашув қатнашчилари Американинг янги маъмурияти ишларни ижобий руҳда олиб боришга тайёр эканлигини намойиш қилган тақдирда Америка Қўшма Штатлари билан муносабатларни ривожлантиришга ҳудди шундай ижобий ёндашишга тайёр эканликларини изҳор қилдилар.

Кенгашда қатнашган мамлакатлар Мадрид учрашуви ўз ишини бошлаганлигини табриклайдилар ҳамда мана шу учрашув Хельсинки ҳужжатларини амалга ошириш учун, қитъада нескинликни юмшатиш ва тинчлик иши учун янги истиқболлар очиб берадиган тарзда ривожланишини ёқлаб чиқмоқдалар.

Шу билан бирга учрашув қатнашчилари дунёдаги аҳвол ҳамон нескин бўлиб қолаётганлигини қайд этдилар. Қуролланиш пойгаси тобора кўпроқ хатарли тус олмоқда. Дунёнинг турли районларида ҳарбий муҳолифлик ва нескинлик манбалари сақланиб қолмоқда. Янги можаролар вужудга келмоқда. Вазият империалистик кучларнинг агрессив мудаоларига, реакциянинг социалистик мамлакатларнинг, ривожланаётган давлатлар, миллий озодлик ҳаракатларининг позицияларига зарар етказиш йўлидаги уринишларига нисбатан ҳушёрликни оширишни тақозо қилади.

Учрашув қатнашчилари социалистик мамлакатларнинг бирлигини марксизм-ленинизм ва интернационал бирдамлик, тенг ҳуқуқли ўзаро манфаатли ҳамкорлик негизида бундан буён ҳам мустаҳкамлашга азму қарор берганликларини билдирдилар.

Учрашувда қатъий ишонч билдириб айтилдики, тинчлик, хавфсизлик ва халқаро ҳамкорликдан манфаатдор бўлган барча мамлакатлар ва халқларнинг биргаликдаги куч-ғайратлари халқаро ривожланишнинг етакчи тенденцияси сифатида нескинлик юмшатилишини қарор топтиришни таъминлашга қодирдир.

Учрашув қатнашчилари ўз мамлакатларидаги социалистик ва коммунистик қурилиш тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар. Улар иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун, ўз мамлакатларида социалистик ва коммунистик қурилиш, манфаатларини кўзлаб планларни мувофиқлаштириш учун, ўз халқларининг моддий фаровонлигини юксалтириш учун курашадилар.

ПБИП вакиллари Польша Халқ Республикасидаги вазиятнинг ривожи тўғрисида, ПБИП Марказий Комитети VII пленумининг якунлари ҳақида учрашув қатнашчилари комил ишонч билдириб айтдиларки, қардош Польша коммунистлари, ишчилар синфи, меҳнаткашлари вужудга келган қийинчиликларни бартараф эта оладилар, мамлакатнинг социалистик йўлдан янада ривожланишини таъминлайдилар. Социалистик Польша, Польша Бирлашган ишчи партияси ва поляк халқи Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатларнинг қардошларча бирдамлиги ва мададига қатъий умид боғлай олишлари мумкинлиги таъкидланди. ПБИП вакиллари Польша социалистик давлат, социализм мамлакатлари умумий оиласининг мустаҳкам бўғини бўлиб келди, ҳозир ҳам ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади, деб таъкидладилар.

Социалистик мамлакатлар партия ва давлат арбобларининг учрашуви ўртоқларча ҳамжиҳатлик ва фикрларнинг бирлиги вазиятида ўтди.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар раҳбар арбобларининг учрашувида Совет делегацияси.

С. Смирнов фотолари.

КЎКЛАМ ТАРАДДУДИ

Оққўрғон районидаги Султон Сегизбоев номли совхоз механизаторлари келгуси йил чигит экиш ишларига тайёргарликни муддатидан илгари тугалладилар. Бу ерда юзта ҳайдов ва чопиқ трактори, 50 та сеялка, етмишта культиватор, бошқа механизм ва ускуналарнинг ҳаммаси ремонтдан чиқарилди.

КПСС XXVI съезди шарафига кенг авж олдириб юборилган мусобақа туфайли шундай муваффақиятга эришилди.

Ҳозир хўжаликда пахта териш машиналарини ремонт қилиш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Етмишта «зангори кема»дан 40 таси ҳозирнинг ўзидаёқ ремонтдан чиқарилди.

(ЎзТАГ).

«ЎЗБЕКИСТОН ССРдаги БЕКОБОД ЗАВОДИДА ПЎЛАТ ВА ПРОКАТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ҚУВВАТЛАР РИВОЖЛАНТИРИЛСИН»

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасидан.

Бекободда қад кўтарадиган янги прокат цехининг қурилиш майдонига бетончилар келдилар. Улар ишлаб чиқариш корпусининг устунлари турадиган фундаментни қўя бошладилар.

ПАРТИЯ ПЛАНЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

УЛКАН СТАН ЎРНАТИЛАДИ

Опалубка тайёрлаш поток усули, ундан неча бор фойдаланиш, бетонни ўз вақтида келтириб туриш туфайли ишлар графикдан анча ўзиб олиб борилмоқда. Социалистик мусобақада «Узбекметаллургстрой» биринчи бошқармасидан тажрибали бетончилар Владимир Авдеев билан Вячеслав Ли пешқадамлик қилмоқдалар.

Монтажчилар ҳам ишга киришишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар металл конструкциялар ва темир-бетонни катта-катта блоклар ҳолида йиғиш ниятидадирлар. Бу усул қурилиш муддатини қисқартиришга имкон беради. Бунинг учун иккита улкан минора кран майдонга келтирилди. Уларнинг ҳар бири вазни 50 тоннагача бораднган деталларни кўтара олади. Янги «300» станининг машина-ускуналари ҳамкела бошлади. Бетўхтов ишлайдиган бу агрегат бир йилда 1 миллион 157 минг тонна прокат чиқара олади. Унинг хусусияти шуки технологик жараён автомат режимда электрон ҳисоб машинасининг ёрдами билан бошқарилади.

ЎзТАГ мухбири.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР МЕДИЦИНА ФАНЛАРИ АКАДЕМИЯСИНИНГ МУХБИР АЪЗОСИ Ж. Н. МАҲСУМОВни ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Медицина фанини ривожлантиришдаги, илмий кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир аъзоси Жадол Носирович Маҳсумов Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1980 йил 4 декабрь.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

БУНЁДКОРЛИК МАРРАЛАРИ

«СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1981—1985 ЙИЛЛАРГА ВА 1990 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ» ТЎҒРИСИДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПАРТИЯ XXVI СЪЕЗДИГА ЛОЙИҲАСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ

Тошкент шаҳридаги энг ёш Акмал Икромов райони партия конференциясида меҳнаткашларни КПСС XXV съезди тарихий қарорларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этиш соҳасида шу район партия ташкилоти қилган улкан бунёдкорлик ишларнинг якунлари муҳокама этилди. Район партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. К. Камолов доклад қилди.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан 2-автомобиль комбинати партия комитетининг секретари Л. В. Клестов, 12-қурилиш трестининг бошқарувчиси М. Н. Абдуллаев, 81-мактаб директори А. Сайдаҳметов, 2-қурилиш бошқармасининг бетончиси Ш. Х. Мажидов ва бошқалар «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг лойиҳаси туфайли район меҳнаткашларининг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлиги ғоят кучайганлиги тўғрисида гапирдилар. Бу муҳим программавий ҳужжат совет кишиларининг фаровонлигини тинимсиз ошириш тўғрисида партия ва ҳукумат зўр ғамхўрлигининг янги кўриниши сифатида қабул қилинди. Меҳнат коллективлари КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг қарорларига, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқига жавобан КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юбордилар, ўнинчи беш йиллик плакларини муваффақиятли бажариш ишига муносиб ҳисса қўшдилар. Район саноати ўнинчи беш йиллик планини муддатидан аввал бажарди. Маҳсулотларнинг 23 турига давлат Сифат белгиси берилди. Уй-жой ва бошқа объектлар қурилиши тез суръатлар билан олиб борилмоқда.

Делегатлар Асосий йўналишлар лойиҳаси ўн биринчи беш йилликда коммунистик қурилишнинг янги марраларини белгилаб берадиган ва назарий ҳамда амалий жиҳатдан ғоят муҳим аҳамиятга молик ҳужжат эканини таъкидладилар. Ана шу планларнинг амалга оширилиши бутун ташкилотчилик ва сиёсий ишни такомиллаштиришни тақозо этади. Делегатлар районни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида гапириб, шу режаларни тезроқ амалга ошириш юзасидан таклифлар киритдилар, диққат-эътиборни фойдаланилмаган резервларга қаратдилар. Саноат ишлаб чиқаришнинг суръатлари ҳали талабга жавоб бермайди. Баъзи корхоналарда қўл меҳнати салмоғи катта. Асосий фондлар суст ишга солинмоқда, кадрларнинг қўнимсизлиги ҳали ҳам кўп.

Конференция қатнашчилари район экономикаси ва маданиятини янада ривожлантириш, янги саноат объектларини ишга туширишнинг юзасидан конкрет тадбирларни белгиладилар. «Средазавтоматика» заводи қурилишини тугаллаш, «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида янги қувватларни ишга туширишнинг, бир қанча маданий ва маиший объектларни барпо этишнинг лозим. Конференция иштирокчилари район коммунистларини, барча меҳнаткашларини ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили планини муваффақиятли бажариш, мамлакат коммунистларининг аҳжуманини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун куч-ғайратларини сафарбар этишга даъват қилдилар.

Конференцияда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Конференцияда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов иштирок этди.

* * *

Ўзбекистон пойтахтининг Сергели, Киров ва Куйбишев район партия конференциялари бўлиб ўтди. Конференция иштирокчилари район партия комитетларининг ҳисобот докладларини муҳокама қилдилар, тажрибаларни умумлаштирдилар.

Конференция делегатлари КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларига мувофиқ партия ташкилотлари олдида турган вазифаларни муҳокама қилиб, фойдаланилмаётган резерв-ларга эътибор бердилар, партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва идеология ишлари савиясини янада ошириш зарурлигини таъкидладилар. Нотиқлар «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасини коммунистлар, барча меҳнаткашлар баланд руҳ билан кутиб олганликлари тўғрисида гапирдилар. Бу тарихий ҳужжат мамлакатни иқтисодий ва маданий ривожлантиришнинг янги кенг истиқболини яратади, халқ фаровонлиги тўғрисида партиянинг тинимсиз ғамхўрлигини кўрсатувчи янги ажойиб далил, деб таъкидланди.

Сергели район партия конференциясида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев, Киров район партия конференциясида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков, Куйбишев район партия конференциясида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин нутқ сўзладилар.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ АМРИ—ХАЛҚ АМРИ

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари» лойиҳасининг ҳар бир сатрини зўр ҳаяжон билан ўқиб чиқдик.

Ўнинчи беш йиллкнинг ўтган даври ичида коллективимиз планга қўшимча 536 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Реализация қилиш плани 686 минг сўм ортиғи билан бажарилди. Шу кеча-кундузда корхонамизнинг ҳар бир ишчиси ўн биринчи беш йиллик юзасидан Асосий йўналишлар лойиҳасини чуқур ўрганмоқда. Корхонамиз ишчилари ва мутахассислари янги марраларни кўзлаб, съезд шарафига олган мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқдалар. Жумладан, Ҳабиб Усмонов, Аня Сипкова, Света Лескина, Пўлат Муродов сингари касбдошларим ўн биринчи беш йиллик ҳисобига иш бошлаб, барчага намуна бўлмоқдалар.

Менинг ўзим ўнинчи беш йиллик давомида 3.106,7 килограмм ипак хом ашёси тайёрлаб, 246,9 килограмм пилла ишлаб чиқарганман. Ҳозирги кунда 5,1 минг сўмлик ипак тайёрланди. Ялпи маҳсулотнинг 42,2 проценти биринчи сортга топширилди. Бу — шахсий планим ва социалистик мажбуриятимдан ҳам 17,7 процент кўпдир. Шу кунларда кўп қатори шахсий мажбурият олиб, ўн биринчи беш йилликда бе-нуқсон ишлашга ва янги беш йиллик топшириғимни ҳам барвақт бажаришга астойдил ҳаракат қиляпман.

Биз пиллакашлар, шойи ишлаб чиқариш корхоналари коллективлари элни чиройли кийинтириш, кўркам, кўркли либосга буркаш ўз бурчимиз эканлигини яхши биламиз. Партия бизни шунга даъват этмоқда, давр шуни талаб қилмоқда.

Партия амри — халқ амри.

Расул САИДОВ,
Самарқанд шойи ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Ҳужум» пиллакашлик фабрикаси ишчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати.

ЎЗБЕК ТИЛИДА

«Ўзбекистон» нашриёти «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига лойиҳасини ўзбек тилида алоҳида брошюра қилиб босмадан чиқарди.

Брошюра кўп нусхада нашр этилди.

(ЎзТАГ).



ОЙДИН МАНЗИЛЛАР

Ун биринчи беш йилликнинг Асосий йўналишлари лойиҳаси совет кишилари учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган ҳужжатдир. Бу ҳужжат, улуғ Ленин йўлидан дадил бораётган буюк Ватанимизнинг ҳаракат программаси. Ҳужжатда «Сув хўжалиги қурилишнинг техник даражаси ва сифати оширилсин, ерларни мелиорациялаш ва ўларни қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштириш юзасидан комплекс ишлар ўтказиш таъминлансин» деб алоҳида таъкидланган. Партиянинг бу кўрсатмалари биз, ирригатор ва мелиораторларни янги, ойдин манзиллар сари даъват этмоқда.

Коллективимиз ўнинчи беш йиллкнинг ўтган даври ичида 6 йиллик ҳажмида иш бажариб, 13 миллион 994 минг сўмлик бунёдкорлик ишларини амалга оширди. Задарё, Норин, Поп районларида 722 гектар янги ерлар ўзлаштирилди, 3186 гектар ернинг сув таъминоти яхшиланди. Шубҳасиз, буларнинг ҳаммаси келажакда қилинажак ишларимиз учун мустаҳкам заминдир.

Биз Асосий йўналишларда белгилаб берилган ойдин режаларнинг рўёбга чиқиши учун бундан буён ҳам куч-ғайрат билан ишлайберамиз. Партия мўлжалланган режаларни қизғин маъқуллаб, уларни муваффақиятли амалга ошириш — ҳар бир совет киши учун муқаддас бурч!

Э. СОДИҚОВ,
«Неманганирстрой» трестига қарашли Задарё механизациялашган кўчма колонна механизатори, КПСС XXV съезди делегати.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКДА

Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотнинг ўртача йиллик ҳажми



Ип-газлама ва шойи газламалар

АЙНИ МУДДАО

Мамлакатимиз меҳнаткашларининг ҳар бир кунини ютуқсиз, ғалабасиз, муҳим воқеаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Яқиндагина қўёшли ўлкамиз пахтакорлари 6 миллион 200 минг тонналик «оқ олтин» хирмони бунёд этганликлари ҳақида она-Ватан олдида рапорт берган эдилар. Бугун эса яна бир муҳим сиёсий воқеа олдида турибмиз. Матбуотда янги беш йилликда мамлакатимиз иқтисодий ва социал ривожланишининг Асосий йўналишлари лойиҳаси эълон қилинди. Локомотив депомиз коллективи унинг ҳар бир сатрини зўр ҳаяжон билан қайта-қайта ўқиб чиқмоқда.

Депомиз машинистлари Ўрта Осиё темир йўлининг серқатнов, йирик участкаларидан бирида хизмат қилади. Лойиҳада темир йўл транспортида энг кўп юк ташиладиган йўлларда темир йўлларнинг поезд ўтказиш ва юк ташиш қобилиятини янада кучайтириш, сортировка ва юк станцияларининг қайта ишлаш қобилиятини ошириш ва юк вагонларининг оборот вақтини қисқартиришга эришиш борасидаги сатрларни катта қизиқиш билан муҳокама қилмоқдамиз. Бойси, бу вазифалар биз, темирйўлчилар зиммасига янги беш йилликда алоҳида масъулият юклайди. Темир йўл транспортида юк обороти ва пассажир оборотини тобора ошириб бориш, пассажир ташишни ташкил этишни яхшилаш йўлидаги курашда фаол иштирокимизни талаб қилади.

Мамлакат темир йўл транспортида меҳнат унумдорлиги 20—21 процент оширилиши кўзда тутилган экан, бу бизнинг ўн биринчи беш йилликда ҳар қачонгидан ҳам зўр ғайрат-шижоат билан ишлашимизни тақозо этади. Зеро, бу барчамизнинг айни муддаомиздир.

Комил ОСТОНОВ,
Самарқанд локомотив депосининг слесари, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

ИНСОН БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДА

КПСС Марказий Комитети ленинча анъанага амал қилиб, «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида партия XXVI съездига лойиҳани умумхалқ муҳокамасига қўйди. Меҳнат коллективларида, ўқув юртларида, ҳарбий қисмларда, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларида, матбуотда, радио ва телевидениеда, марксча-ленинча ўқиш системасида мана шу муҳим съездолди ҳужжатини ишчанлик билан муҳокама қилиш қизғин тус олди. Гражданларнинг истиқомат жойларида суҳбатлар ўтказилмоқда.

Идеология фронтининг активларига ёрдам тариқасида суҳбат ва нутқларнинг намунавий тематикаси эълон қилинмоқда.

КПСС — совет жамиятининг раҳбар ва йўналтирувчи кучи.

Партия билан халқнинг буюк бирлиги.

Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумидаги нутқи — партиянинг съездолди платформаси.

Х беш йилликда экономика ривожининг асосий якунлари.

Қизил байроқли коллективларга тенглашингиз.

Ўнинчи беш йиллик қаҳрамонлари.

Илғорларнинг тажрибасини ҳар бир киши ўргансин.

Халқ фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик.

Саксоничи йиллар — катта ишлар ва зафарларга эришиладиган йиллар.

Мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий вазифалари.

Партиянинг режалари — бизнинг режаларимиз.

СССРнинг иқтисодий ва илмий потенциали.

XI беш йилликнинг бош вазифаси.

Ижтимоий истеъмол фондлари.

Илм-фанни ривожлантириш ва техника тараққиётини жадаллаштириш.

Мамлакат экономикаси — яхлит халқ хўжалик комплекси.

Совет республикалари экономикасининг узлуксиз ўсиши.

Кўп миллатли социалистик маданиятнинг равнақи.

Фан, техника ва ишлаб чиқариш иттифоқини мустаҳкамлаймиз.

Ёқилғи-энергетика комплексини жадал ривожлантириш.

Машинасозликни юксалтиришга алоҳида эътибор берайлик.

Катта химия — самарали экономика.

Реконструкциялаш самаралари.

Фонд самарадорлигини ошириш йўллари.

Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш — давлат билан партиянинг муҳим иши.

Маҳсулот сифатига кўпроқ эътибор берайлик.

Биз ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини қандай оширяпмиз.

Меҳнат унумдорлигини ошириш — ҳар бир меҳнаткашнинг ватанпарварлик бурчи.

Ишлаб чиқариш резервлари — беш йилликка хизмат қилади.

Маҳсулот таннархини камайтириш йўллари

Агросаноат комплексининг ривожи.

Ердан кўпроқ ҳосил ундириб олайлик.

Чорвачилик маҳсулотларини кўпроқ етиштирайлик.

Чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказайлик.

Ноқоратупроқ зонани обод қилишга бизнинг ҳиссамиз.

Ёрдамчи хўжалик коллективга қандай манфаат етказади.

Хўжалик шахсий бўлса ҳам фойдаси умумники.

Транспорт ва алоқа ўн биринчи беш йилликда.

Қурилишни тубдан яхшилашга эришайлик.

Уй-жой қурилишига биринчи даражали эътибор.

Капитал маблағ самарадорлигини оширайлик.

Исрофгарчиликка қарши кураш бош резервимиз.

Катта ва кичик ишларда тежамкор бўлайлик.

Нонни исроф қилма, нон—рўзғорнинг боши!

Савдо ва умумий овқатланиш ишини яхшилайлик.

Маиший хизмат — ҳар кунги хизмат.

Халқ маорифини янада ривожлантириш йўллари.

Соғлиқни сақлаш янги беш йилликда.

Жисмоний тарбия — совет кишиларининг кундалик турмушига сингдирилсин.

Табиатни муҳофаза қилиш — келажак гамини ейишдир.

Бошқарувни такомиллаштириб, хўжалик юритиш савиясини оширайлик.

Ривожланган социализм имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланайлик.

Ватан қудратини фидокорона меҳнат билан мустаҳкамлайлик.

Иқтисодий тежашни кучайтирайлик, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлайлик.

Бизнинг кучимиз — уюшқоқлик ва интизомда.

Тартиб бузилаётган жойларда тартиб ўрнатайлик.

Халқ контроли юксак даражада таъсирчан бўлсин.

Хўжасизликка ва исрофгарчиликка қарши курашни кучайтирайлик.

Коммунистлар — съездолди мусобақасининг пешқадами.

Иқтисодий ва социал ривожланишда Советларнинг роли.

Совет касаба союзлари — бошқариш мактаби, хўжалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби.

Ленин комсомоли — партиянинг актив ёрдамчиси.

Бизнинг коллективимиз XI беш йилликда.

Инсонга эътиборли ва ғамхўр бўлиш — турмушимиз қонуни.

СССРнинг ташқи иқтисодий алоқалари.

Социализм мамлакатларининг қардошларча иттифоқи.

Бизнинг йўлимиз тинч бунёдкорлик йўли.

СССР Қуролли Кучлари — тинчлик ва социализм посбони.

Коммунизм билан меҳнат бир-биридан ажралмасдир.

Биз КПСС XXVI съезди шарафига олган мажбуриятимизни қандай бажараяпмиз.

Ленинчасига, коммунистчасига ишлаймиз!

Коммунизм қурилишида янги муваффақиятлар сари!

ҚОЗОНИГА ЯРАША...

ФЕЛЬЕТОН

Қўлимизга хат тушди. (Қаранки, ҳамма гап шу хатдан бошланди!) «Республика Енгил саноат министрлигига қарашли ремонт-қурилиш бошқармаси коллективи, — дейилади унда, — олиб бораётган ишлар мактовга молик... Белгиланган план-топшириқлар ошириб бажарилмоқда. Бинокорлик материаллари ва моддий ресурслардан фойдаланишда, кадрлар танлашда яхши тажрибалар тўпланган...»

— Ўҳў,—севиндик, — 'кенгроқ ўрганиш керакка ўхшайди. Кичкина хабарда илғор тажрибани батафсил ёзиб бўлмас...

Эртасига бошқармага бордик. Бордигу, афсусланиб қолдик. Бошқарма бошлиғи Владимир Мелконян бизни нохушгина кутиб олди.

— Илтимос, — ўксингандек гапирди у, — танқид қилмоқчи бўлсангиз очиқ айтаверинг. Шундай ҳам ҳозир ўз ёғимизга ўзимиз қоврилиб турибмиз.

— Тинчликми?

— Қайдам? Ҳамма ёғимиз «керосин»...

— Нега энди?

Мелконян тўлиб турган экан, ёрилиб қўя қолди.

— Гап кўп, иш оз. Сифат паст, планлар ишкал, сарф-харажат ноўрин, хўжасизлик, суиистеъмол...

—Ие, бу ёғи неча пулга тушди, — таажжубландик, биз сизларни мақташ учун келган бўлсак-у, бу ерда ишлар чатоқ денг?

— Чатоқ! Эҳтимол, мақтаб ёзган киши ҳозир бизнинг бўзчининг мокисидай зир югуриб юрганимизни аския қилмоқчи бўлгандир...

— Шунчаликми? — ўсмоқчилаб сўрадик.

— Ҳа, энди... Аниқроғи, мендан олдин бу ерда Владимир Шафиров ишлаган. Менга ўхшаб бўш-баёвгина экан, оғзига қатиқ солиб юравериб, ишларни ердан чиқариб юборган. Ремонт-қурилиш ишлари ўлдажўлда. Маъмурий аппаратдаги ортиқча саккиз штатга 30 минг сўмдан зиёд давлат маблағи қонунсиз тўланган. Ўтган йилнинг ўзида бошқа ташкилотларга 25 минг сўмлик маҳсулот тарқатиб юборилган. Даромад плани бажарилмасада, 20 минг сўмлик мукофот пули ёзиб олинган. Айтаверса гап кўп...

Мелконян кўзларини бир нуқтага қадаганча узоқ жим қолди. Бу пайт унинг хаёлидан яна кўп нарсалар ўтди: дала ҳовли, машина, молиявий қисоб-китоб, талон-торожлик, қўшиб ёзишлар...

— «Қош қўяман деб кўз чиқариш» шу-да! — Кўнглидан ўтказди у. Битгаси яхшилик қиламан деган-у, тегирмонимизга сув қуйиб юборганини билмай қолган. Агар ҳаммаси очилиб қолса борми, «сичқонини минг танга!».

Унинг қўрққанича бор, Собиқ бошлиқ В. Шафиров бошқарманинг бош механиги В. Пожаров билан хизмат даврида ўз вазифаларини суиистеъмол қилишди. Қурилиш ишларида ёрдам кўрсатгани учун Тошкент область, Калинин райони «Партия XXI съезди» совхози раҳбарлари билан келишиб, хўжалик территориясидан ҳар бири ғайри-қонуний 400 квадрат метрдан шахсий томорқа олишди. Мўъжазгина уй-жойлар қуришди. Уларга ишлатилган 29 куб метр тахта, 55 квадрат метр паркет, 36 квадрат метр безакли плита, 20 квадрат метр ойна сингари кўплаб қурилиш материалларининг ҳаммаси бошқарма омборидан олинди. Аниқроғи, ғазкана нархда 3840 сўмлик материаллар учун омборга улгуржи баҳода 2500 сўм тўланди, холос.

Кунлар ўтаверди. «Ҳам хўрдани, ҳам бурдани» уришга одатланган Шафиров Тошкент шаҳар, Фрунзе район Совети ижроия комитетидагилар билан тил топишди. Шахсий «ЛУАЗ-26М» автомашинаси бўлатуриб, бошқарма ишчилари учун берилган «Жигули» машинасини ўз номига ўзлаштирди. «ЛУАЗ»ни эса ҳуфёна мўмайгина пуллаб юборди.

Бу ишларнинг ҳаммаси ҳамиртдан қил суғургандек жўнгина битди. Шафиров ёпиқлиқ қозон ёпиқлигича қолишини, бунинг учун ўзи энди бошқа жойга ўтиб ишлаш лозимлигини сезиб қолди. Республика Бинокорлик материаллари саноати министрлигига қарашли «Ўзстройконтаж» трестига участка бошлиғи бўлиб ўтди. Омадни қаранг, Енгил саноат министрлиги ўз аризаси билан ишдан кетиши олдидан у бошлиқ бошқарма фаолиятини комплекс текшириш масаласига эътиборсизлик қилди. Шафиров сувдан қуруқ чиқди.

Бошқармага янги бошлиқ — Владимир Мелконян келди. У ҳам Шафиров сингари ишга киришиш олдидан катта ваъдалар берди. «Бошимни — баркаш, елкамни — обкаш қилиб ишлайман», деди. Бироқ ваъдалар тездан унутилди. Иш ҳам, аҳвол ҳам ўзгармади. Урганган кўнгил ўртанса ҳам қўймас экан. Мелконян давлат кассасидан ўйламай пул олаверди. Ҳотамтойлари тутиб ўрокда йўқ, машоқда йўқ кишилар «кармонига катта-катта сўмларни солаверди. Тошкент чинни заводи пештоқини безаш ишларида қатнашди деб, ишга вақтинчалик қабул қилинган тўртинчи-бешинчи разрядли 14 нафар сувоқчига икки ой ичидаёқ 14 минг сўмни (бажарилган иш ҳажмига нисбатан 50 процент кўп!) қўш қўллаб тутқазди. Ҳолбуки, на пардозловчилар, на сувоқчилар иш разрядларига эга эмасди. Ҳатто айримлари қоғозда бору амалда йўқ кишилар эди.

«Чўпни хор тутсанг, кўзга тушар» дейдилар. Мелконян бошқарма аппаратида ғайриқонуний саккиз штатда ишлаб келаётган ўз ходимларини хор қилиб қўймади. Уларга оймаой ясама нарядлар тўлдириб, 11 минг сўмга яқин маблағ сарфлаб юборилди. Объектларда бажарилмаган ишлар «бажарилди» деб турли хил қўшиб ёзишлар одат тусига кирди. Шу йилнинг июль-август ойларида 7 объектда 20 минг сўмликдан ортиқроқ қўшиб ёзишларга йўл қўйилди.

Хўжасизлик, кўзбўямачилик ва хизмат вазифасини суиистеъмол қилишда Мелконян ёлғиз эмасди. Давлат мулки дахлсизлигини таъминлаш ўрнига талон-торож қилишда бошқарма бош бухгалтери Н. Бобина билан омбор мудири В. Мильман ўртоқлар унга ҳамтовоқлик қилдилар. Мелконян бош, улар унга кўмакдош бўлди.

— «Зар қадрини заргар билар, чиланғар нени билар» дейдилар, дўстим, — деди унга бир куни министрликнинг назорат-ревизия бошқармаси бошлиғи Хусаин Гизатулин,— Сиз зар, биз заргар. Бир-биримизга керак одамлармиз. Баланс комиссияси бошқарма фаолиятини яна қониқарли деб топди, табриклайман...

Шу гап бўлди-ю якунловчи йилнинг март ойида ўтказилган назбатдаги ревизия ҳам муваффақиятли тугади.

Лекин, гап ётиб қолмади. Ревизияда аниқланган нуқсонлар министрлик раҳбарларига етиб келди. Озроқ шов-шувлар бўлди. Муҳокамалар қилинди. Номига жазолар олинди. Натижа бўлмади. Мелконяннинг хизмати миқолча бўлса ҳам, ўзгаларнинг ҳиммати унга дарёча бўлаверди. Боши силаб қўйилаверди. Ҳамтовоқлари рағбатлантирилди. Жилов узилгандан узилиб бораверди. Иш «ўнг қўлим, сўл қўлим — бари ўз қўлим» қабилида кетаверди.

— Бир ташаббус бор, — деди бухгалтер ўринбосари С. Бухальцева кассир М. Захаровани олдига чақириб,—ҳамма инженер-техник ходимлардан пул йиғяпмиз. Ҳар кимнинг ҳимматига яраша...

— Нимага? — сўради Захарова.

— «Бош оғриғи»га, — томоғига чертиб кўрсатди Бухальцева.

— Иш жойида-я?

— Бе, нима бўпти? Ташаббус бошлиқнинг ўзидан бўлгач, бизга нима? Участка бошлиқлари Алексей Репринцев билан Тўра Ҳамидов иккаласи юз «қўқон»дан ташлашди...

Ана-мана дегунча тўпланган 500 сўм пул Мелконян билан Бобинанинг чўнтагига кирди.

— Бу тадбир ҳам амалга ошди Нина Алексеевна, — суюниб гапирди Мелконян.

Бошлиқнинг кайфияти яхшилигини кўрган Бобина унинг олдига бир тўп қоғозларни қўйди.

— Энди Владимир Давидович, мана бу буйруқларни ҳам расмийлаштириб қўйсак яхши бўларди.

— Қайси?

— Бурноғи йили иш ҳақларига қўшиб ёзиш билан ўзлаштирилган 5190 сўм бир; шу йилнинг май ойида министрлик ўтказган тафтишдан сўнг аниқланган камомат — 4723 сўм — икки; ишчиларга моддий ёрдам берилди деб расмийлаштирилган — 477 сўм — уч.

Мелконян ҳар учала буйруққа жиммжимадор имзо чекди. Уларни Бобинага қайтариб узатар экан, «Главташкенстрой» ва «Ташобколхозстрой» ихтиёрига касодга учраган, ўтмас моллар сифатида «сочиб» юборилган 16 минг 344 сўмлик паркет, плита, пигмент, сурик сингари қурилиш материаллари накладнойини сўради.

— Хотиржам бўлинг, Владимир Давидович, — тинчлантиргандек бўлди уни Бобина. — Уша куниёқ қабул қилиб олганман. Ҳаммаси жойида, фақат...

— Нима фақат?

— Буларнинг ҳаммаси назаримда, бизни бошқармада меҳнат интизомининг бўшашиб кетиши, молиявий ҳисоб-китобимиз борган сари қалбаки тус олиши, давлат мулкининг талон-торож қилиниши, пировардида, баднафслик сари етаклаяпти...

— Нима? Нималар деяпсиз? Иссиғингиз жойидами? Яна қайтаринг?

Мелконяннинг капалаги учди. Ўрнидан туриб кетди. Бобина хотиржамлик билан давом этди.

— Ҳа-ҳа, биз хизмат вазифамизни суиистеъмол қиляпмиз, Владимир Давидович. Шу бойсданки, давлат планлари бажарилмаяпти. Ишимизда сифат йўқ. Хўжалик юритиш фаолиятимиз издан чиқди. Автотранспортдан, ёқилғи, ёнилғи ва мойлаш материалларидан хўжасизларча фойдаланяпмиз. Давлатнинг минг-минглаб сўм маблағи кўкка соврилиб кетмоқда. Ҳали кўрасиз, буларнинг сўрови қаттиқ бўлади. Кўнглим нимандир сезяпти. Назаримда, халқ назоратчилари...

Айби борнинг оёғи қалтирайди дегани шу-да! Бош бухгалтернинг айтгани келди. Кўп ўтмай республика Халқ контроли комитети уларнинг остар-аврасини ағдариб ташлади...

Бошқарма фаолиятини билиб-билмай ёки В. Мелконян шубҳа қилгандек аския қилибми, бизга хабар ёзган автордан яқинда яна хат олдик. Қизиғи шундаки, автор ҳар гал ўз адресини яширмоқда. У бу гал хабари тақдири билан қизиқибди. Газетада чиқишчиқмаслигини сўрабди. Ҳа чора, биз қануз (адрес бўлмагач) жавоб хати ёзолганимиз йўқ. Лекин, халқимизда яхши бир нақл бор: — унига яраша нон, қозонига яраша қопқоқ!

Зеро, мақталган «ун»дан пиширган «нон»имиз, эл олдида шармисор бўлган баднафслар жиғилдонига ёпган қопқоғимиз ҳам шу бўлгай!

Яна бир истак: республика Енгил саноат ва Бинокорлик материаллари саноати министрликлари, Тошкент область Калинин район Совети ижроия комитети раҳбарлари ҳам ушбу фельетон бугун матбуотда эълон қилинганидан хабарсиз қолишмасин.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР ФРОНТ!

АНДИЖОНЛИКЛАР ТАШАББУСИГА ҚУШИЛАМИЗ

МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Андижон область партия комитетининг чорвачилик фермалари, комплекслари ва паррандачилик фабрикаларини жадал қуриш, реконструкция қилиш ва уларнинг қувватларини ўзлаштириш йўли билан гўшт етиштиришни кўпайтириш соҳасидаги ташкилотчилик иши тажрибаси тўғрисида»ги қарорини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдик, совхозимизнинг барча фермалари, отарларида шу қарор асосида гўшт, қоракўл тери, жун ва бошқа хил маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришга қаратилган тадбирлар белгиламоқдамиз.

Қарорда «ем-хашак базаси чорвачиликни ривожлантиришнинг негизидир» дейилади. Ҳақиқатда ем-хашак нечоғли кўп, сифати юқори бўлса, ундан ишнинг кўзини билиб, оқилона фойдаланилса чорвачилик шунча шаҳдам ривожланади, маҳсулотлар кўпаяди. Совхозимиз шу йилнинг ўтган ойларида давлат тайёрлов ташкилотларига планда кўзда тутилган 15,9 минг дона ўрнига 18,4 минг дона юқори сорт қоракўл тери етказиб берди, йиллик гўшт тайёрлаш планини 85 тонна ортиғи билан бажарди. Ҳар бош қўйдан 3 килограммдан зиёд жун қирқилди.

Андижонлик чорвадорлар 1985 йилда 1980 йилдагига нисбатан гўшт етиштиришни 3 баравар кўпайтириб, уни 65 минг тоннага етказиш, сут етиштиришни 1,5 баравар кўпайтириш ёки 123 минг тоннага етказиш, тухум етиштиришни 3,5 баравар кўпайтириш ёки 95 миллион донага етказишни кўзда тутмоқдалар. Бу ибратли ишдир. Бизнинг совхозимиз асосан қоракўл тери, гўшт ва жун етиштиришга ихтисослаштирилган. Шунинг учун ҳам бутун куч, техника воситалари, ички имкониятлари қоракўл қўйлар сонини кўпайтириш, зотини яхшилаш, маҳсулдорлигини оширишга қаратмоқдамиз.

Чорва қишловини соз ўтказиш маҳсулотларни кўпайтиришнинг муҳим ва асосий шартидир. Туёқ сони бут, совлиқлар семиз бўлса эгиз қўзилар кўпаяверади. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам қўйлар қиш ойлари ичила ҳам яйловларда ўтлатилиши, ҳам тунда қучайтирилган озуқа рациони билан боқилиши керак. Шунда этига эт қўшилади, бола ташламайди, эгиз қўзи беради, қоракўл терининг сорти яхшиланади.

Совхозимиз коллективи қишловга пухта тараддуд билан кириб, 6 минг тоннадан ортиқ хашак жамғариб, унинг асосий қисми майдаланиб қўйилди. Ҳар бош қўй ҳисобига ўртача 180—200 килограммдан озуқа тайёрланди. Лекин ем-хашаклар самарали фойдаланиш чораларини кўрмоғимиз керак.

Мутахассисларнинг шу кунлардаги ишлари айниқса масъулиятлидир. Совлиқларни урчитиш муваффақиятли тугалланди. Эндиги вазифа бирор бош совлиқнинг бола ташлашига йўл қўймасликдан иборат. Бунинг учун нисбатан ориқ совлиқлар ажратиб олиниб, қўшимча рацион билан боқилиши керак. Қўйдар ҳам, қўзилар ҳам тунда албатта суғорилиши, ҳаво қиқ кунларда ва тунларда яйловларда кездирилиши шарт.

Маълумки, яхши насл бермайдиган, зоти бузилган қўйлар бўрдоқичилик базалари ихтиёрига топширилади ёки хўжаликларнинг ўзида боқилади. Кўпинча ўшандай қўйларнинг тирик вазни 45—50 килограммга етказилиб гўштга топширилянти. Бу рақамни яна 15—20 килограмм ошириш мумкин ва лозим. Бунинг учун бўрдоқичилик базалари ходимларининг масъулиятини ошириш, шахсий манфаатдорлигини кучайтириш керак. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорида таъкидлаганидек, чорвачиликни янада ривожлантириш, гўшт етиштиришни кўпайтириш учун чорва моллар озуқа базасини мустаҳкамлаш, объектларни муддатидан илгари қуриб, фойдаланишга топшириш керак. Чорва бинолари етарли бўлса, чиқим бўлмайди.

Хўжалигимиздаги ем-хашак мавжуд чорва молларига тақсимлаб чиқилди, уни сарфлаш устидан қаттиқ назорат ўрнатилади. Ҳар килограмм озуқа ҳисобда бўлиб, маҳсулотларни кўпайтириш манфаатларига хизмат қилдирилади.

Келаси йили совхозимиз бўйича ҳар 100 бош совлиқдан камида 145 талан соғлом қўзи олиш учун барча тадбирларни амалга оширамиз, қишловни ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказамиз.

А. КУМЕСБЕКОВ,
Фориш районидаги «Арнасой» совхозининг бош зоотехниги.

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК — КОНИ ФОЙДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Андижон области чорвадорларининг ватанпарварлик ташаббуси тўғрисидаги қарорида корхона ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликларида чорвачиликнинг барча тармоқларини ривожлантиришга, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялашни янада чуқурлаштиришга катта эътибор берилган, айниқса чорвачилик объектларини ҳашар усулида қуриш ва ишга туширишни жадаллаштириш зарурлиги таъкидланган.

Бу борада Хоразм области савдо ташкилотлари ёрдамчи хўжаликларида ҳам катта ишлар қилинмоқда. Буни қуйидаги мисоллардан кўриш мумкин. Шу йилнинг ўтган ойларида ёрдамчи хўжаликларимизда салкам 25 тонна серқаймоқ сут, 500 минг дона тухум, 3030 килограмм жун етиштирилди, пландаги 2.140 тонна ўрнига 2800 тоннага яқин сўким ва бўрдоқи гўшти тайёрланди. Йиллик план яқин кунларда ортиғи билан бажарилади.

Тажриба шуни кўрсатдики, савдо ташкилотлари, умумовқатланиш корхоналарининг ёрдамчи хўжаликларида ўзларида етиштирилаётган озуқа ҳисобига чорва маҳсулотлари, хусусан гўшт ва тухумни кўпайтириш мумкин ва лозим. Ҳозир область ёрдамчи чорвачилик хўжаликларида 1.900 бош қорамол, 3.750 бош қўй, 90 мингта парранда боқиб семиртирилмоқда. Ҳар бош қорамолнинг тирик вазни 430—450 килограммга етказилиб гўштга сўйилмоқда. Қўйларнинг тирик вазни 55—60 килограммдан оширилмоқда, товуқлардан тухум олиш кўпайтирилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорида «Чорвачилик комплекслари ва паррандачилик фабрикаларини қуришни ва уларни муддатидан илгари ишга туширишни ташкил этиш соҳасида тўпланган тажриба гўшт ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни анча кўпайтириш имконини беради» дейилган.

Областимизнинг Хонқа, Шовот, Гурлан, Боғот районлари матлубот жамиятлари ёрдамчи хўжаликларида иш аниқ шундай ташкил этилмоқда. Хонқа район матлубот жамияти ҳашар йўли билан қурган ёрдамчи хўжалик чорва биноларида ўтган ойларда 300 бош қорамол, 50 бош қўй боқилиб, 226 тонна гўшт тайёрланди. Боғот районида қўйлар сони бир йилда икки баравар кўпайтирилди. Шовот районида ёрдамчи хўжалигида 35 минг тадан зиёд товуқ боқиляпти. Бу ёрдамчи хўжаликда тайёрланган 335 тонна гўштнинг 100 тоннасини парранда гўшти ташкил этди.

Биз ҳашар йўли билан чорва комплекслари қурилишини жадал давом эттирмоқдамиз. Шу йилнинг ўзидагина Урганч ва Қўшкўпир районлари матлубот жамиятлари 1500 бош қорамолга мўлжалланган комплекс қурди. Боғот ва Гурлан районларида йирик паррандачилик комплекслари қад кўтармоқда.

Қарорда таъкидлаганидек, гўшт, сут, тухум етиштиришни янада кўпайтириш учун икки муҳим масалани ижобий ҳал этиш керак. Корхоналар ва ташкилотлар ҳузурида бундан кейин ҳам ёрдамчи хўжаликлар фаолияти кучайтирилади. Шундай экан, чорва бинолари қурилишини бутун чоралар билан кучайтирмоғимиз лозим. Иккинчи муҳим масала озуқа базасини мустаҳкамлашдир. Ёрдамчи хўжаликлар давлат омборига кўз тикиб ўтирмасдан ўзларининг мустаҳкам озуқа базаларига эга бўлмоқлари даркор. Бунинг учун етарли имкониятлар боқ.

Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи давраси—1981 йилда ёрдамчи хўжаликларимиз коллективлари олдида катта вазифалар туриби. Улар қорамоллар сонини 3 минг бошга, қўйларни 7 минг бошга, паррандаларни 200 минг тоннага етказиб, маҳсулотлар тайёрлашни бир йилда камида 25—30 процент кўпайтиришлари керак, фидокорлик меҳнати билан бу маррани ҳам сўзсиз эгаллайдилар.

Аҳмаджон ЕҚУБОВ,
Хоразм область матлубот жамияти правленеси раиси.

Фидокорлик Ёдгорлиги

МЕЛИОРАТОРЛАР ШИЖОАТИ

Куни кеча Новгород шаҳридан хушхабар олинди. Бу ерда қирчиллама қиш бўлишига қарамай, мелиорация ишлари қизғин давом эттирилмоқда. Ўзбекистондан борган кўнгиллилар съездолди мусобақасини кучайтириб, меҳнатда чинакам фидокорлик кўрсатмоқдалар. «Узновгородстрой» трестига қарашли «Тошкент-1» механизациялашган кўчма колоннасидан Виктор Реслер бошлиқ дренажчи-монтажчилар меҳнатда алоҳида ўрнак кўрсатиб ишлаб, юксак меҳнат кўрсаткичларига эришмоқдалар. Бригада аёзли кунларнинг қийин шароитларига қарамай, Шимский район далаларида 500 километрдан ортиқ масофада ёпиқ дренажлар бунёд этдилар. Бу кўрсаткич икки беш йиллик маррасидан ҳам ортиқдир.

Ўзбекистонлик мелиораторлар йилнинг ҳар бир фаслида ҳам меҳнатда бир хил кўрсаткичга эришиш шнори остида ишлаб, ана шундай юксак унумдорликка эришаётирлар.

РЕКОНСТРУКЦИЯ ТУГАЛЛАНДИ

«Андижанирстрой» трестига қарашли Қўрғонтепа механизациялашган кўчма колоннасининг меҳнатсевар коллективи КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, Шахрихонсой дарёсини реконструкция қилиш ишларини барвақт тугаллади. Дарёнинг икки бети тўла бетонлаштирилди. Натижада бу ерда сув оқими яхшиланди. Эндиликда дарёдан ҳар секундда 240 кубометр сув оқиб ўтадиган бўлди.

«Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш вазифасини Ленининг ибораси билан айтганда «Бир марта ғайрат қилиб, қаҳрамонлик кўрсатиш билан бажариш асло мумкин эмас, бу вазифа оммавий ва кундалик ишда жуда узоқ вақтларгача энг қатъий ва ғоят катта қаҳрамонликлар кўрсатишни талаб қилади» — деб таъкидлаган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленумида қилган докладида. Дарҳақиқат, колхоз раиси вазифасида ишлаётганимга беш йил тўлаётган бўлса, шу даврмобайнида хўжалик юритиш нақадар мураккаб иш эканлигини, хўжаликни юксалтириш бир зарб билан бўладиган иш эмаслигини ўз тажрибамда билдим.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тубдан юксалтириш, унинг самарадорлигини ошириш ҳамда сифат кўрсаткичларини яхшилаш юзасидан партия XXV съезди қарорларини хўжалигимиз шароитида ҳаётга татбиқ қилиш учун олиб борилган катта кураш ниҳоясига етмоқда. Шу беш йил мобайнида босиб ўтилган йўлга назар ташлаб, якунлар устида мулоҳаза юритиш пайти келди. Биз беш йилликни мўлжалдагидек якунладик, десам янглишмасам керак, деб ўйлайман, сабаби 1976 йилгача хўжалик йилини фидо ўрнига зарар билан якунлаган колхозимиз ҳозир шу ер, шу одамлар билан ишлаб, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ҳам, олинадиган умумий даромадни ҳам икки баравар кўпайтирди. 1975 йилда 1,5 миллион сўм даромад олинган бўлса, 1980 йилда 2,8 миллион сўм даромад олишга ва соф фойдани 300 минг сўмга етказишга муваффақ бўлдик.

Бунга қандай эришганлигимиз тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, аввало ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришни яхшилаш юзасидан партия кўрсатмаларини изчиллик билан амалга ошираётганлигимизни айтиш зарур. Бу кўрсатмаларда зарур ҳуқуқларга эга бўлган ва бу ҳуқуқлар доирасида бутун жавобгарликни ўз зиммасига оладиган ҳар бир киши ўз иши билан шуғулланиши, хўжалик юритишда таркиб топган усулларни ўйламай-нетмай, шошма-шошарлик билан қайта қуриш, кадрларни беҳуда алмаштиришга барҳам бериш зарурлиги айтилади. Биз шу йўлга қатъий амал қилдик. Колхозда раисдан ташқари, бошқа барча раҳбар ва мутахассислар кўп йиллардан бери ўз ўринларида меҳнат қилишяпти. Натижа ёмон бўлмаяпти.

Партиямизнинг қуйидан планлаштиришни ишнинг кўзини билиб жорий қилиш тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилиб, экинлар структурасидаги ўзгаришлар ва ҳосилдорликни ошириш тўғрисида сўзламоқчиман. Агар 1975 йилда 588 гектар ерга сабзавот ва картошка экилиб, жами 6077 тонна маҳсулот олинган бўлса, 1980 йилда шу экинлар учун 480 гектар ер ажратилди ва 9100 тонна маҳсулот олинди.

Биз чорвачиликни ривожлантиришни кўзлаб, бошқа экинлар майдонини қисқартириш ҳисобига озуқа экинлари майдонини кенгайтирдик. Лекин сабзавот ва картошка ҳосилдорлигини мутасил ошириб бориш қатъий қилиб белгиланди. Бу йил Б. Одилов, Н. Бахашбоев, М. Буваев, Р. Жуматоевлар бошлиқ бўлган бригадаларда ҳар гектар ердан 320 центнердан сабзавот, 210 центнердан картошка олишга эришилди.

Биз экинлар структурасида шундай йўл тутиб озуқа-экинлари экишни йил сайин кенгайтириб бордик. 1975 йилда 34 гектар ерга маккажўхори экилиб, 856 тонна ҳосил олинди. Бу йил маккажўхоризорлар 50 гектарга етди, 2 минг тонна силос бостирилди. Беда поялар ҳам 82 гектардан 140 гектарга кенгайди. 1975 йилда 943 тонна ҳосил олинган бўлса, бу йил 2200 тонна беда пичани жамғарилди. Агар беш йиллик бошида 14 гектар ерга лавлаги экилиб 117 тонна ҳосил олинган бўлса, бу йил 7 гектарга лавлаги экиб, 280 тонна ҳосил олдик.

Чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш эвазига қорамоллар бош сони беш йил ичида 600 бошга, шу жумладан сигирлар сони 133 бош кўпайди. Чорва моллари маҳсулдорлиги ҳам ошди. Агар 1975 йилда ҳар юз гектар экин майдони ҳисобига 72 центнердан гўшт ва 1082 центнердан сут етиштирилган бўлса, бу йил 117 центнердан гўшт ва 1630 центнердан сут етиштирдик.

Халқимиз озуқа бўлса чорва бўлади, деб бежиз айтмайди. Бинобарин, чорвачиликни ривожлантириш учун озуқа зарур. Озуқа эса деҳқончиликдан олинади. Бунинг учун ҳам чорвачиликни ривожлантиришда асосий эътибор озуқага қаратилди. Агар 1975 йилда ҳар юз гектар ер ҳисобига 58,7 минг сўм даромад олинган бўлса, 1980 йилда 185 минг сўм даромад олишга муваффақ бўлдик.

Озуқа етиштиришни кўпайтиришдаги тажрибаларимизга келганда, шуни айтиш керакки, биз бедани асосан август ойида, яъни эртаги экилар ўрнига экишни одат қилиб олдик. Ҳар гектар ерга 28 килограммгача уруғлик сочамиз. Августда экилган беда кеч кузгача кўклаб яхши илдиз отади. Келгуси йил кўкламда худди бир йиллик беда сингари мўл ҳосил беради. Биринчи марта бедани КИР-1,5 агрегатида эмас, фақат косилкалар воситасида ўриб оламиз. Чунки КИР-1,5 агрегати биринчи ўринда тупроққа чуқур ўрнашмаган беда илдизларини юлиб кетиши ва беда ларнинг сийрак бўлиб қолишига олиб келиши мумкин.

Шунингдек, беда ўримга 5—6 кун қолганда қондириб суғорилади. Бунинг натижасида ўримдан сўнг беда майсалари тез авж олади. Беда одатда кўкламда суперфосфат билан озиқлантирилади. Биз иккинчи ўримдан кейин ҳам беда зорга суперфосфат солишни қатъий қилиб қўйдик. Шу туфайли учинчи ва тўртинчи ўримларда ҳам ҳосил юқори бўляпти.

Беда поялар учинчи йили ҳайдалади. Ҳар гектар ерга 70—80 тоннадан гўғ солиниб, маккажўхори экилади. Бу усул бошқа хўжалик раҳбарлари учун ғалати туюлиши мумкин. Чунки бизнинг шароитимизда беда поя ларга биринчи йили сабзавот экиб бўлмайди, беда илдизи кўплаб кўкариб чиқиши мумкин. Беда экилиб, тупроқда мўл азот тўпланган майдонга кўп миқдорда гўғ солиб, маккажўхори экиш «дала малика»сидан мўл ҳосил олишни таъмин этади.

Бу йил колхозда биринчи марта сорго экилди. Бу экиннинг афзаллиги шундаки, у йилига уч марта ўрилади. Унинг таркибида қанд моддаси 17 процентни ташкил этади. Биз сорго уруғчилиги билан шуғулланиб, келгуси йилларда бу экин майдонларини 50 гектарга етказамиз. Шунда хўжаликда чорва моллар бош сонини яна 30 процент кўпайтиришимиз мумкин.

Колхозимиз деҳқонлари ва чорвадорлари эришилган бу ютуқлар билан асло кифояланиб қолмайдилар. Хўжалигимизда ҳали фойдаланилмаётган резерв ва имкониятлар кўп. Деҳқончилик ва чорвачиликдаги ишларни партия ва ҳукуматимиз қўйган талаблар даражасида ривожлантириб, бундан кейин ҳам маҳсулот етиштиришни кўпайтириб борамиз. Ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йили учун ҳозирдан замин яратишни бошлаб юборди к. Сабзавотқор, соҳибкор ва чорвадорларимиз бундан кейин ҳам коммунистик мўл-кўлчилик учун бошланган умумхалқ курашига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш учун астойдил кураш олиб борадилар.

Н. МАҲКАМОВ,
Тошкент область Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхозининг раиси.

ТАЖРИБАКОРЛАР МИНБАРИ

ҚУТЛУГ ЯКУН

Оламда нима гап

ВИЗИТ АРАФАСИДА

Ҳиндистон ҳукмрон Миллий конгресс партияси (И) умумҳиндистон комитетининг бош секретари Ш. С. Махапатра бундай деди: «КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қиладиган расмий дўстона визити жуда катта аҳамиятга молик воқеа бўлади. Совет давлати бошлиғининг Ҳиндистон раҳбарлари билан олиб борадиган музокаралари Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстона муносабатлар тарихида муҳим босқич бўлиб қолади».

Л. И. Брежневнинг визити арафасида Ҳиндистоннинг ҳамма қисмида Ҳиндистон-Совет дўстлиги оммавий митинглари ўтказилмоқда. Бу митинглар нинг қатнашчилари ҳар икки мамлакат ўртасидаги анъанавий дўстона алоқалар муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидламоқдалар. Советлар мамлакатидан келаётган азиз меҳмоннинг Ҳиндистонга сафари тинчликсевар мамлакатларнинг суверен давлатларга қарши фитна уюштираётган ва жаҳонда кескинликни авж олдираётган кучларга қарши олиб бораётган курашида уларнинг позицияларини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради, деди таниқли сиёсий арбоб, Ҳиндистон Миллий конгрессининг Деҳли иттифоқ территориясидаги ташкилотининг раиси Бачан Лал Деҳлида ўтказилган митингда сўзлаган нутқида. Митингда сўзга чиққан кишилар Совет Иттифоқи Ҳиндистон экономикасини тиклаш ва фанни ривожлантириш соҳасида катта роль ўйнаётганлигини уқтириб ўтдилар.

Ҳар икки мамлакат ўртасида ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорлик уфқлари тез кенгайиб бораётган бир вазиятда Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қиладиган визити Ҳиндистон ва совет халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушадиган икки томонлама ва дўстона алоқаларни янада ривожлантириш учун янги қудратли омил бўлиб қолади, деб ёзади ҳафталик «Мейнстрим» газетаси. Совет раҳбарининг Ҳиндистонга келиши, деб таъкидлайди газета, турли социал-иқтисодий тузумдаги мамлакатлар ўртасида мустаҳкам дўстона муносабатлар ўрнатилганлигини яна бир марта ёркин намойиш қилади.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар мустаҳкам дўстлик пойдеворига қурилган. Уларнинг ташқи сиёсати, деб ёзади «Экономик таймс» газетаси, муштарак мақсадларга эришишни кўзда тутади. Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш асосий мақсаддир. Қуролланиш пойгасига қарши, халқаро кескинликни юмшатиш учун, мустамлакачилик ва ирқчиликни тугатиш учун кураш — Ҳиндистон билан СССР ташқи сиёсатининг ўзгармас йўналишидир. Совет Иттифоқи Ҳиндистон учун энг оғир бўлган бир пайтда унга ёрдам қўлини чўзди. Совет Иттифоқининг бегараз иқтисодий ёрдами туфайли Ҳиндистон кўп соҳада қолоқ мамлакатдан экономикаси ривожланган давлатга айланди, деб уқтириб ўтади газета.

(ТАСС).

Япония Компартияси Марказий Комитетининг органи — «Акахата» газетаси — меҳнаткашлар манфатларини ифода этувчи энг йирик газеталардан биридир. «Акахата» ишчилар синфи ва япон халқи кенг оммасининг сиёсий ва социал-иқтисодий талабларини изчиллик билан ҳимоя қилиб келмоқда. Шу боисдан унинг оммавийлиги ошмоқда. Газетанинг кундалик тиражи 3 миллион нусхадан зиёд чиқмоқда. Бунда «Акахата» ташвиқотчилари ва тарқатувчилари катта роль ўйнамоқдалар. Суратда: «Акахата» ташвиқотчилари Кобе шаҳри кўчаларида. Уларни Японияннинг бошқа шаҳарларида ҳам кўплаб учратиш мумкин.

ТАСС фотохроникаси.

ХАЛҚАРО ОБЗОР

КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШ ДУШМАНЛАРИГА ЖАВОБ

БМТ Бош ассамблеясининг XXXV сессияси ишида муҳим босқич тугалланди. Ассамблеянинг халқаро хавфсизлик масалаларини кўриб чиққан биринчи комитети қуролсизланиш проблемасига тааллуқли 40 талан кўпроқ резолюцияни муҳокама этиб, қабул қилди.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бу ҳужжатлар Бош ассамблеянинг ялпи мажлисларида маъқулланганидан кейин ва уларда баён қилинган тавсиялар турмушга татбиқ этилган тақдирда қуролланиш пойгасини чеклаш, кескинликни юмшатиш жараёнини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, халқаро иқлимни соғломлаштириш йўлида катта қадам қўйилган бўлади.

СССР таклиф этган «Уруш хавфини камайтиришга доир баъзи бир энг зарур тадбирлар тўғрисида»ги резолюция лойиҳаси ва Совет Иттифоқининг «Тинчлик ва қуролсизланиш учун, халқаро хавфсизликни гарантиялаш учун» деган меморандуми қуролсизланиш соҳасида белгиланган тадбирлар программасининг пойдевори бўлди. Шу ҳужжатларда баён этилган таклифлар бутун дунё халқларининг янги жаҳон уруши хавфининг олдини олиш муддаосига тўлатўкис мос бўлиб тушади. Шунинг учун ҳам жаҳон ҳамжамияти бу таклифларни зўр эътибор билан маъқуллаб кутиб олди.

Биз Совет Иттифоқининг тинчлик ташаббусларини сидқидилдан табриклаймиз, чунки бу ташаббуслар барча давлатларнинг ҳаётий манфаатларига мос келади, деди Англиянинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Э.ди Фитейреду. Жумладан, ядросиз давлатларнинг хавфсизлиги гарантияларини мустаҳкамлаш тўғрисидаги таклиф бениҳоя катта аҳамиятга эгадир, деб таъкидлади у. Халқаро вазият ҳозир кескинлашиб кетганлиги, деб уқтирди Ҳиндистон вакили С. П. Миттал, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга янада кўпроқ куч-ғайрат билан ҳаракат қилиш вазифасини зиммамизга юклайди. Айни шу нуқтаи назардан, деди у, бизнинг мамлакатимиз СССР ўртага қўйган таклифларга ғоят қизиқиб қарайди ва уларга жуда жиддий эътибор беради.

Биринчи комитетдагги муноза рада давомида ҳарбий-сиёсий гуруҳларни кенгайтиришга олиб борадиган ҳаракатлар қилмасинлар, Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари бўлган барча мамлакатлар, шунингдек ҳарбий битимлар орқали улар билан боғланган давлатлар келишиб олинган пайтдан бошлаб ўз қуролли кучларини ва оддий қурол-яроғларини кўпайтиришдан воз кечсинлар, деб СССР қилган даъватлар ҳам маъқулланди.

Худди кутилганидек, қуролланиш пойгасига ишбошилик қилаётган ва халқаро кескинликни кучайтираётган кимсаларга совет таклифлари ёқмади. АҚШ ва Ғарбдаги бошқа баъзи мамлакатлар муҳокама қилинган асосий масалалар хусусида салбий позицияда турдилар. Америка делегатлари комитет томонидан маъқулланган 9 резолюцияга қарши овоз бердилар ва бошқа кўпгина резолюциялар овозга қўйилган пайтда бетараф қолдилар. Аммо уларнинг ўзлари қуролсизланиш масалалари юзасидан бironта амалий таклифни ўртага қўймадилар. Хитой вакили ҳақиқатда мунозарада қатнашмадан ўзини четга олди.

Вашингтон билан Пекиннинг аслида бемаъниликдан иборат бўлган мана шу йўлни тутганлиги сабаблари муҳокама қатнашчиларига равшан эди. Халқаро ҳамжамият уруш хавфини камайтиришга эришиш учун бутун куч-ғайратни сарфлаётган бир пайтда экспансияча доиралар «чекланган» ядро уруши тўғрисидаги фикрни зўр бериб такрорламоқдалар, бошқа мамлакатларнинг ишларига доимий равишда аралашмоқдалар, деб уқтирди Ливия жамахириясининг вакили Авад Буруин.

Совет таклифлари ифоланган резолюцияларнинг комитет томонидан қабул қилиниши кескинликни юмшатиш душманларига берилган ишонарли жавоб бўлди. БМТга аъзо бўлган давлатларнинг мутлақ кўпчилиги қуролсизланиш масалаларини амалий тарзда ўртага қўйишга, кескинликни юмшатишни ҳарбий соҳага ҳам жорий этишга эришишга азму қарор берганликларини мана шу резолюциялар яққол кўрсатди.

ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ БЎЛМАГАН ШЕРИКЛАР

Филиппин пойтахти — Манилада «Қўшма ҳамкорлик комитети» деб аталган комитетнинг биринчи кенгаши бўлиб ўтди. Бу комитетга икки иқтисодий гуруҳ — Индонезия, Малайзия, Сингапур, Таиланд ва Филиппиндан иборат Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ушмаси (АСЕАН) билан Европа Иқтисодий ҳамжамияти (ЕИҲ) вакиллари кирди. Комитет иккала гуруҳ вакилларининг шу йил март ойида Куала — Лумпурда бўлиб ўтган учрашувида тузилган эди. Ўшанда Ғарб пропагандаси бу ишни Ғарбий Европа давлатлари «яхши ниятлар» ифодаси деб, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги «иқтисодий ҳамкорликнинг модели» деб кўрсатган эди.

Аммо мана шу дабдабали ибораларнинг замирида АСЕАН мамлакатларининг пучга чиққан умидлари ва мазкур уюшмани хом ашё етказиб берувчи манба ва саноат маҳсулоти сотиладиган бозор дебгина билаётган монополиялар янги мустамлакачиликдан иборат иқтисодий сиёсатининг ўзгармас моҳияти яширинган ётганини Манила даги кенгашнинг якунлари яққол кўрсатди. АСЕАН аъзоларининг бозорни камайтириш, Ғарбий Европага маҳсулот етказиб бериш нормасини кўпайтириш ва бу йўлдаги бошқа камситувчи тўсиқларни олиб ташлаш тўғрисидаги талаблари аслида жавобсиз қолди. Кенгашда қабул қилинган қўшма баёнотдан маълум бўлишича, «Умумий бозор», министрлари Европа Иқтисодий ҳамжамиятининг фақат ўз манфаатларини кўзловчи савдо сиёсати хусусида АСЕАНдаги шериклар шикоятини «маълумот учун қабул қилиш»гагина рози бўлдилар.

«Умумий бозор»нинг қатъий позицияси АСЕАНга аъзо бўлган беш мамлакатнинг Ғарбий Европа билан савдо-сотиқни кенгайтириш ҳисобига ўзларининг Япония ва Америка монополияларига қарамлигини лоақал қисман бўлсада бўшаштириш хусусидаги умидини пучга чиқарди. Европа иқтисодий ҳамжамияти ташқи алоқа масалалари билан шуғулланувчи комиссияси вице-президенти В. Хаферкамп очиқ равшан қилиб бундай деди: «Умумий бозор» Ғарбий Европада нохуш «савдо иқлими» ҳукм сураётганлиги сабабли ва яқин келгусида бу иқлимнинг яхшиланиши «амри маҳол» эканлиги сабабли «бу хусусда бирон бир имкониятга эга эмас».

Бошқача қилиб айтганда, Европа Иқтисодий ҳамжамиятининг АСЕАН билан тенг ҳуқуқли бўлмаган савдо-иқтисодий муносабатлари давом этиши Ғарбий Европа капитали корчалонларининг Жануби-Шарқий Осиёдаги сиёсатига ўзак бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Монополиялар шу райондаги жуда бой хом ашё ресурсларидан ва мол сотиш бозорларидан фойдаланиш эшиги ни ўзларига очиб қўйиш билан бирга айни вақтда АСЕАННинг савдо-сотиқ ва иқтисодий алоқа соҳасидаги қарамлигидан фойдаланишга, бу уюшмани ғарб сиёсати доирасида ушлаб туришга, уни ҳарбий-сиёсий блокка айлантириш йўлига тойдириб юборишга интилмоқда.

Бу режалар Жануби-Шарқий Осиёдаги ривожланаётган мамлакатларнинг миллий манфаатларига мутлақо зиддир. Империалистик монополияларнинг бу йўли АСЕАН мамлакатлари жамоатчилигини ташвишга солмаслиги мумкин эмас. Уюшмала фақат бойлик орттириш ғамида бўлган ғарбга бир томонлама кўз тутишдан воз кечишни талаб қилувчи овозлар тобора тез-тез эшитилмоқда.

Н. СЕТУНСКИЙ,
С. БИЧКОВ.
(ТАСС).

ЗЎР МУВАФФАҚИЯТ БИЛАН

ТУНИС, (ТАСС). Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ранси В. О. Козимов бошчилигидаги Тошкент шаҳар делегациясининг Тунисга визити туғади. Биродарлашган Тошкент ва Тунис шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик қилиш программасита доир визит чоғида Тунис пойтахтида ўзбек маданияти ҳафталиги ўтказилди.

Республика президенти Ҳ. Бурғиба, миллат мажлисининг ранси С. Муқаддам, Туниснинг бир қанча министрлари, бошқа давлат ва сиёсат арбоблари делегацияни қабул қилдилар.

Тунис шаҳрининг ҳокими Закария бин Мустафо ТАСС муҳбири билан қилган суҳбатида бундай деди: ҳафталик доирасида ўтказилган виставкалар, ўқилган лекциялар, артистларнинг концертлари, турли даражаларда бўлиб ўтган учрашувлар ва суҳбатлар зўр муваффақият қозонди. «Баҳор» ансамбли артистларининг санъати тунислик томошабинларда катта таассурот қолдирди. Биз биродарлашган шаҳарлар ўртасидаги, Тунис халқи билан совет халқи ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшган делегациянинг визитидан ғоят хурсандмиз ва мулоқотларимиз ҳамжиҳатликни кенгайтириш, дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожланиб бораверишига ҳаракат қиламиз.

СОВЕТ ҚИЗИЛ КРЕСТИНИНГ ЁРДАМИ

СССР Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамиятлари союзи инсонпарварлик ва интернационал бирдамлик ҳиссиётларига амал қилиб, кучли зилзиладан жабр кўрган Италия аҳолисига тезкор ёрдам кўрсатишга қарор қилди. (ТАСС).

ЙИЛЛАР ВА ОДАМЛАР

ЖАНГЧИ ОЛИМ

СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, медицина фанлари доктори, профессор Жалол Маҳсумов олтмиш ёшга кирди.

Жалол Маҳсумов ажойиб бир оилада тарбия топди. Унинг бир укаси Минхожиддин медицина фанлари доктори, профессор, яна бир укаси Ғиёсиддин геолог олими, ўғли Жамшид ва рафиқаси Шарифахоним медицина фанлари кандидати, тажрибали шифокор.

Қаранг, ҳавас қилса арзийди, бир оилада икки фан доктори, икки фан кандидати, бу фақат совет тузуми шарофати, совет тузумининг оилага яратиб берган беқиёс имтиёзлари самарасидир.

Мен Жалол Маҳсумов билан бир кўчада катта бўлганман. Шунинг учун ҳам бугун унинг муборак олтмиш йиллик тўйида тўлиб-тошиб ҳаяжонли сатрларни битмоқдаман.

Биз ёшлигимизни буюк орзулар билан ўтказганмиз. Ҳар тонг бир янги касбнинг ошиғи бўлиб уйғонардик. Гоҳ инженер, гоҳ учувчи, гоҳ буюк артист бўлиш иштиёқи уйқумизни қочирарди. Ҳали ўрта маълумот олиб улгурмаган Жалол онасига қисталанг қилиб, бир эмас, иккита оқ халат тиқдириб олган эди. Унинг бутун фикри-ёди шифокор бўлиш эди. Кўнглига тушган бу орзу куртаги униб, медицина институти остонасига етаклаб кетди.

Эсимда, мединститутни битириб чиққан йигит-қизларнинг хайрлашув зиёфатига бир тасодиф бўлиб борган эдик. Ўша ерда профессорларни, доценту атоқли шифокорларни кўрган Жалолнинг кўзлари ажиб бир ҳавас билан чақнаган дақиқаларни ҳозир ҳам кўриб турагандекман. Ўша оқшом шифокор бўлиш орзуси Жалол Маҳсумовнинг қалбига муҳрланиб қолганди.

Ўша йили Жалол Маҳсумов мединститутга кириш имтиҳонларини муваффақият билан топшириб, кўплан орзу қилган оқ халатни кийди. Бу орада Улуғ Ватан уруши бошланиб кетдию, авжи жанглар қизиб турган бир пайтда Жалол Маҳсумов қўлида врачлик дипломи билан фронтга жўнаб кетди.

Москва остоналаридаги жангларда қанчадан-қанча ярадор жангчиларнинг дардига дармон бўлди, медицина хизмати капитани Жалол Маҳсумов Харьков учун бўлган жангларда окопма-окоп юриб яраларни боғлар, муваққат госпиталь ва медпунктларда ўқ ёмғирлари остида ярадорларни даволарди. Ана шундай шиддатли жанглар кетаётган пайтда шифокор Маҳсумов фашист бомбасининг портлашидан шикастланиб, госпиталь тўшагида ётиб қолади. Даволаниб, яна жангга киради. У то уруш тугаб, тинчлик йиллари бошланганда ҳам харбий хизматдан бўшамай, жанг жароҳатларидан ингаётган жасур жангчилар тепасидан кетмади. Ва ниҳоят 1946 йили тинч меҳнатга қайтди.

Жалол Маҳсумов армиядан қайтиб келиши билан Тошкент медицина институтининг аспирантурасига ўқишга киради. Икки йилдаёқ «Ошқозон ракининг ҳозирги замон рентген диагностикаси» мавзуида муваффақият билан кандидатлик диссертациясини ёқлайди. У вақтни бой бермай, ўша йилиёқ Москвага, врачлар малакасини ошириш марказий институтининг докторантурасига киради. Икки йилда фан доктори ва профессор унвони билан Тошкентга қайтиб келади.

Бу воқеаларга ҳам 28 йил бўлди. Шу орада Жалол Маҳсумов мингдан ортиқ врач тайёрлади, икки юз илмий мақола, ўн монография эълон қилди. Халқаро симпозиумларда ҳозирги замон медицина проблемалари ҳақида доклаллар қилди. Камдан-кам олимга насиб қиладиган яна бир хизмати шуки, Жалол Маҳсумов беш фан доктори, йигирма фан кандидати тайёрлади.

Жалол Маҳсумов Улуғ Ватан уруши жангларидаги мардлиги учун Қизил Юлдуз ордени ва қатор жанговар медаллар билан мукофотланган бўлса, тинч, осойишталик йилларида илмий-педагогик фаолияти ва фанимизга қўшган катта ҳиссаси учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва бир қатор медаллар билан тақдирланди. Унга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби унвони берилди. СССР Медицина фанлари академиясига мухбир аъзо қилиб сайланди.

Бугун қадрдон дўстим, таниқли коммунист олим Жалол Маҳсумовнинг муборак ёшини қувонч ва ифтихор билан табрикламоқдаман.

Санд АҲМАД.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

8—14 ДЕКАБРЬ

8 ДЕКАБРЬ ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.10— «4-а» мушкетёрлари. Бадиий фильм. 10.50 — Биргаликда ақил оиламиз. 11.20 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 12.20 ва 15.00—Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — Декабристлар ҳақида ҳикоялар. 16.50 — Ҳунар-техника таълими билим юртлари-да нимага ва қандай қилиб ўргатишади. 17.20 — Волейбол бўйича СССР чемпионати. «Автомобилист» (Тошкент) — «Уралочка» (Свердловск). 17.55 — Ешлар ижоди. 18.20 — Сиз яратган боғ. 18.50 — Қувноқ нотачалар. 19.05 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз. 20.00 — И. Дупаевский қўшиқлари мавзуида ёзилган фантазия. 20.10 — Спектакль. 21.30 — Время. 22.15 — Поэзия альманахи. 23.35 — Дунё воқеалари.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

18.25 — Қўғирчоқ фильм. 18.35 — Ешлик. 19.05 — Партия ходими минбари. 19.20 — Ҳужжатли фильм. 19.30 —Ахборот. 19.45 — Музикали учрашувлар. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Машҳур ҳинд киноактрисаси Вайджантимала рақса тушади. 21.30 Время. 22.15 — Торларимиз сири. Фильм-концерт. 23.15 — Оламда нима гап.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Шифокор экрани. 20.55 —Олий математика. 21.55 — Ҳужжатли фильм. 22.25 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» (Тошкент) — «Сибирь» (Новосибирск).

9 ДЕКАБРЬ СЕШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 10.45 —Екатерина Воронина. Бадиий фильм. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.20 —Телестадион. 16.50 — С. Прокофьев ва А. Хачатурян асарларини Давлат кинематография симфоник оркестри ижро этади. 17.10 — Ешлар адреслари. 17.40 —Шимол халқлари артистларининг концерти. 18.20 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 18.45 — Инсон ва қонун. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз. 21.30 — Время. 22.30 — Катталар учун контроль иш. 22.55 — Дунё воқеалари. 23.10 — Ҳиндистон рақслари.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

18.20 — Мультфильм. 18.40 — «Гулхан» журнали саҳифаларида. 19.10 — КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида. 19.30 — Ахборот. 1945 — Ешлик. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.30 — Б. Бойқобилов. Тун ва кун. Спектакль 1-қисм.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Ўқитувчи экрани. 20.55 —Йиллар оша. Фильм. 21.10 — Назарий механика. 22.10 — Цода авлодининг фарзанди. Фильм.

10 ДЕКАБРЬ ЧОРШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 10.05 —Гимнастика. 10.30 — Концерт. 11.20 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Шахмат мактаби. 16.45 — Совет композиторларининг симфоник миниатюралари. 17.10 — Рус тили. 17.30 — Горичилар, қаердасиз! 18.10 — Фан оламида. 18.40 — Ҳиндистон бўйлаб. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Талабларингизга биноан учрашувлар. 20.20 — Зита ва Гита. Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.30 — Опера билан учрашув. 23.40 — Дунё воқеалари.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Физикадан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Геометрик оптиканинг қонунлари. 13.00—Телевизион театр. 14.10— Афсона кишилари. Фильм. 18.20 — Мультфильм. 18.40 — КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорлари — ҳаётга. 19.00 — Халқ контроли экрани. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Баскетбол бўйича СССР чемпионати. «Университет» (Тошкент) — «Статиба» (Вильнюс). 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон композиторларининг камер асарлари. 21.30 — Время. 22.30 — Б. Бойқобилов. Тун ва кун. Спектакль. 2-қисм. 23.40 — Оламда нима гап?

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Француз тили. 20.55 — Бизнинг бош мухбиримиздан. 21.25 — Физика. 22.25 —Николай Кузнецов. Фильм.

11 ДЕКАБРЬ ПАЙШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 10.05 — Гимнастика. 10.30 — Ешлар ижоди. 11.10 — Зита ва Гита. Бадиий фильм. 1-серия. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.30 — Жонажон табиат. 16.50 — М. Глинка асарлари. 17.25 — Қувноқ стартлар. 18.10 — Ҳиндистон санъати. 18.40 — Миллионлар ленинча университети. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Халқ оҳанглари. 19.45 — Ҳамкорлик. 20.20 — Зита ва Гита. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.30 — «Московские новости» газетасининг сонини учун фигурали учиш бўйича халқаро мусобақалар. 23.00 — Дунё воқеалари. 23.15 — Ҳужжатли фильм.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Ғаройиб якшанба. Фильм. 12.30 — С. Айний —ўлкан совет ёзувчиси. 13.00 —Б. Бойқобилов. Тун ва кун. Спектакль, 2-қисм. 14.10 — Челюскин эпопеяси. 18.20 — Мультфильм. 18.35 — Ешлик. 19.00— КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз. 19.30 — Ахборот. 19.45 — КПСС XXVI съездига бағишланган иттифоқдош республикалар телевизион фестивали. 20.30 — Ахборот. 20.50— Телевизион фестиваль давоми. 21.30 — Время. 22.30 — Ғаллакорларнинг шу кунги муҳим вазифалари. 22.45 — Ўзганинг бахти. Бадиий фильм.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Француз тили. 20.55 — Химия. 21.55 — О. Носир. Нил ва Рим. Адабий театр.

12 ДЕКАБРЬ ЖУМА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 10.05 — Гимнастика. 10.25 — Горичилар, қаердасиз! 10.55 — Концерт. 11.10 — Зита ва Гита. Бадиий фильм. 2-серия. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.15 — В. Маяковский — рассом. 16.45 — Концерт. 17.15 — Подмосковье учрашувлари. 17.45 — Мультфильм. 18.30 — Ҳиндистон бадиий коллективларининг концерти. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз. 20.30 — 80-йил қўшиқлари. 21.30 — Время. 22.30 — Эрмитаж. 23.00 — Дунё воқеалари. 23.15 — «Московские новости» газетаси сонини учун фигурали учиш бўйича халқаро мусобақалар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Биологиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Бойчечак. 12.30 — Органик дунёнинг ҳозирги замон системаси. 13.00— Концерт. 14.15 — Ўзганинг бахти. Бадиий фильм. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ешлик 19.00 — КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида. 19.20 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Чорвачилик — вардбор фронт. 20.00 — Дунё воқеалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Нурхон спектакли. 21.30 — Время. 22.30 — Спектаклнинг давоми.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Немис тили. 20.55 — Чизма геометрия. 21.55 — Архитектура премьералари. 22.25 — Сизнинг ўглингиз ва акангиз. Бадиий фильм.

13 ДЕКАБРЬ ШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 10.05 — Гимнастика. 10.30 — Моҳир қўллар. 11.00 — Концерт. 11.30— Ота-оналар, Сизлар учун. 12.00 — Ёзувчи Прем Чанд туғилган кунинг юз йиллигига. 12.30 — Адресимиз — Совет Иттифоқи. 13.00 — Спортлото. 13.15 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 13.45 —Ҳужжатли фильм. 15.00 — Эрмитаж. 15.30—Дунё воқеалари. 15.45 — Рикки-Тикки-Тави. Бадиий фильм. 17.00— Ҳужжатли фильм. 17.25 —Москва Олимпиадаси юлдузлари. 18.25 — Фан ва техника. 18.35 — Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати. 19.05 — Ҳайвонот оламида. 20.05 — «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 20.50 — «Московские новости» газетасининг сонини учун фигурали учиш бўйича халқаро мусобақалар. 21.30 — Время. 22.15 — Концерт. 23.00 — Фигурали учиш бўйича халқаро мусобақанинг давоми. 24.00 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Сўз кетидан сўз келар. 10.30— Концерт. 11.00 — Миниатюралар театри. 11.45 —Коммунистлар ҳақида ҳикоялар. 11.55 — Концерт. 12.55 — Тиниқ булоқ. Бадиий фильм. 14.00 — Ота-оналар учун консультация. 18.20 — Фильм-концерт. 18.45 — Кинопублицист экрани. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ўзбекистон бадиий кўргазма заллари бўйлаб. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ҳуррият Исроилова куйлайди. 21.30 — Время. 22.15 — Қўшиқ ёзувчи шоирлар.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.25 — Душанба кўрсатувлари.

14 ДЕКАБРЬ ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.55 — Будильник. 10.25 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.25 — Здоровье. 12.10 — Тонгги почта. 12.40 — Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар пиғоҳи билан. 12.55 — Қишлоқ янгиликлари. 13.55 — «Московские новости» газетаси сонини учун фигурали учиш бўйича халқаро мусобақалар. 14.35 — Музикали киоск. 15.05 — Таваккалчилик стратегияси. Бадиий фильм. 1-серия. 16.10 — Ҳужжатли фильм. 16.45 —Халқаро конкурслар лауреати А. Корсаков ижро этади. 17.00 — Цирк артистининг бир куни. 18.05 — Киносаёҳатчилар клуби. 19.05—Мультфильм. 19.20— Халқаро панорама. 20.05 — Ҳужжатли фильм. 21.15 — Время. 21.45 — «Московские новости» газетаси сонини учун фигурали учиш бўйича халқаро мусобақалар. 24.00 —Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Концерт. 10.50 — Болалар учун фильм. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Кинореда кция почтасидан. 13.40 — Шахмат мактаби. 14.10 — Театр учрашувлари. 15.35 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 16.10 — Реклама. 18.00 — Фонарик. 18.30 — Миниатюралар театри. 19.15 — Ахборот. 19.30 —Концерт. 20.15 — Ахборот. 20.30 — Концерт. 21.15 — Время. 21.45 — Ёз ёмғири. Бадиий фильм. 23.00 — Телефильм.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

16.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Халқ оҳанглари. 10.05 — Будильник. 10.35— Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.35 —Здоровье. 12.20 — Тонгги почта. 12.50 — Қишлоқ янгиликлари. 13.50 — Музикали киоск. 14.20 — Бонивур қалби. Бадиий фильм. 4-серия. 15.10 — Ҳужжатли фильм. 15.45 — Киносаёҳатчилар клуби. 16.45 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. 18.15 — Мультфильм. 18.30 —Халқаро панорама. 19.15 — Хатларингиз асосида. 19.55 — Ҳаётга йўлланма. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 —Ҳиндистон артистларининг концерти. 22.50 — Ҳужжатли фильм. 23.40 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб. 11.40 — Мультфильм. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Кичик ҳодисалар. Бадиий фильм. 14.10 —Ҳужжатли фильм. 14.40 — Реклама. 17.45 — Баскетбол бўйича СССР чемпионати. 18.20 — Мультфильмлар. 18.55 — Бойчечак. 19.25 — Ахборот. 19.40 — Ўзбекистон. 80-йил қўшиқлари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон. 80-йил қўшиқларининг давоми. 21.30 — Время. 22.05 — Маҳаллада дув-дув гап. Кинокомедия.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

16.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Таниқли ижрочилар концерти. 9.15 — Табассум. 11.30 — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист К. Раҳимов куйлайди. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Илғор тажриба мактаби маршрутлари бўйлаб. 13.30 — Москва оперетласи артистлари ижро этади. 14.00 — Беш йиллик илғорлари ҳақида ҳикоя қиламиз. 15.40 —Театр микрофон олдида 17.15 — Ўзбек куйлари. 18.15 — Спорт программаси. 19.25 — Лирик концерт. 20.15 — Ўзбекистон Давлат телевидениеси ва радиоси дуторчи қизлар ансамбли ижро этади. 21.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Радиотингловчилар таклиф этган программа асосида концерт. 23.15 — Дам олиш концерти.

●

ЎҚУВЧИЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

ТОШКЕНТ САЕҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

қишки каникул кунларида

«ДИЛОРОМ» ТУРИСТИК ПОЕЗДИДА

Ўрта Осиё шаҳарлари бўйлаб

САЕҲАТГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Самарқанд—Бухоро —Урганч (Хива) — 30 декабрдан 4 январгача.

Самарқанд — Бухоро 8 январдан 11 январгача.

Баҳорги каникул кунларида: 20 мартдан 23 мартгача, 25 мартдан 28 мартгача, 28 мартдан 31 мартгача саёҳат уюштирилади.

Путёвкалар баҳоси — 68 ва 46 сўм.

Путёвка баҳосига овқатланиш ва экскурсия хизмати ҳақлари ҳам киради.

Путёвкаларни пул ўтказиш йўли билан ва нақд пулга сотиб олиш мумкин.

Адрес: Тошкент шаҳри, Парадлар хиёбони, 5-уй, путёвкалар тарқатиш бўлими. Телефон 39-13-59.

●

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/XII да **Абу Али ибн Сино** (11.00), **Нодирабегим** (19.30).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Шимпанзелар цирки» аттракционининг хайрлашув гастроллари** (12.00, 16.00, 19.30).

ҲАВАСКОРЛИК ЦИРКИ

Ёшларнинг «Юность» ҳаваскорлик цирки Жиззахдаги бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатининг маданият саройи саҳнасида биринчи марта томоша кўрсатди. Цирк программасида акробатика этюдлари, комик ва бошқа хил номерлар бор. Бу коллективни циркнинг собиқ артисти, эндиликда пенсионер А. М. Артомонов ташкил этди. Унинг раҳбарлигида область марказидаги мактаб ўқувчиларидан 80 та бола зўр қизиқиш билан шуғулланмоқда. Ҳозир цирк студиясида тўртта турли ёшдаги группа ишлаб турибди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ—80

СССРда совет кишиларининг меҳнати юксак даражада муҳофаза қилинянти. Ишлаб чиқариш жараёнида юз берувчи нохушликларнинг олдини олиш борасида Совет Иттифоқи жаҳонда етакчи ўринни эгаллаб турибди.

Серқуёш республикамизнинг ишлаб чиқариш корхоналарида ва колхоз-совхозлари далаларида меҳнат қилаётган кишилар соғлигини ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қилинмоқда. Ўзбекистонда ўнинчи беш йиллик мобайнида 300 миллион сўмдан ортиқ маблағ меҳнат муҳофазасига сарфланди. Бу маблағларнинг кўп қисми санитария ва гигиена, шовқин ва чангнинг олдини олиш ишларига сарф бўлди. Шу йиллар мобайнида ишлаб чиқариш травматизми қариб 11 процент камайди. Ўнинчи беш йиллик даврида республикамиздаги корхоналарнинг 80 процентида ишлаб чиқаришда лат ейишга йўл қўйилмади.

Ҳозирги пайтда шовқинни камайтириш йўлида анча ишлар қилинди. Корхоналарнинг цехлари ремонт қилиниб, қўл меҳнати механизациялаштирилди. Айниқса, хотин-қизлар меҳнатини муҳофаза қилишга катта эътибор берилди.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг тематик павильонида очилган «Меҳнат муҳофазаси-80» республика тармоқлараро кўрик-кўргазмаси республикамизда меҳнаткашларнинг соғломлигини сақлаш борасида қилинаётган ишларга бағишланди. Кўргазма экспонатлари — фотосуратлар, диаграммалар, турли рақамлар республикамизда бу борада эришилган ютуқларни намоён этади.

Серқуёш ўлкамизда меҳнат муҳофазасига йилдан-йилга кўпроқ маблағ сарфланяпти. Бу иш илмий асосда ташкил этилган. Саноатария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти, саккизта тармоқ институти, кўплаб бўлим ва лабораториялар, 7 та олий ўқув юртида самарали иш олиб бориляпти. 363 илмий ходим, 12 фан доктори ва 111 фан кандидати бу борада тинмай изланяпти. Ўнинчи беш йилликнинг сўнгги тўрт йили мобайнида меҳнаткашларнинг иш шароитларини яхшилаш бўйича юздан ортиқ тадбир ишлаб чиқилди.

Тошкентда 1978 йилда ВЦСПСнинг Бутуниттифоқ меҳнат муҳофазаси марказий илмий-тадқиқот институтининг филиали ташкил этилди. Бу илмий марказда Ўрта Осиёнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда саноат, қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида меҳнат муҳофазаси хусусида ишлар олиб борилмоқда. Ишчи ва хизматчиларнинг вақтини тежаш, оғир иш жараёнларини механизация зиммасига юклаш борасида қилинган ишлар яхши самара берди. Биргина 1979 йилда 522 тадбир ишлаб чиқилиб, 16,1 миллион сўм иқтисодий самара кўрилди. 4842 киши бошқа ишга ўтказилди. 1388 киши, жумладан 419 хотин-қиз оғир қўл меҳнатидан озод қилинди. Тошкент трактор заводи, «Ташсельмаш», В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналарда ибратли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги корхоналарида 93 йирик тадбир ишлаб чиқаришга жорий этилиб, юздан ортиқ прогрессив иш жараёнлари ўзлаштирилди. 65 участка ва 66 цехда иш жараёнлари тўла механизациялаштирилди.

Республикамизда ҳозирги пайтда 44 минг ишчи ишлайдиган жой санитария ва гигиена жиҳатидан яхшиланди. 60 минг кишининг шовқинсиз ва тоза жойда ишлаши таъминланди. Корхоналарнинг цех ва участкаларида кондиционер, вентиляция ускуналари ишлаб турибди. Ишлаб чиқариш зарядкалари ўтказиляпти. Профилактик тадбирлар ҳам мунтазам равишда амалга оширилянти. Кўргазма экспонатлари орасида ишчилар киядиган махсус кийимлар ҳам бор. Кўргазма томошабинларда яхши таассурот қолдирянти.

Ш. МИРҲАБИБОВ.

ЎЛКАМИЗ НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ

ЛИМОНЗОРЛАР ҲОСИЛИ

Тошкент область Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз лимонзорларида анвойи мевалар ғарқ пишди. Бу теплица хўжалигига республикамизнинг машҳур селекционери Зайниддин ака Фахриддинов бошчилик қилаётир.

Колхоз лимонзоридан бу йил ҳар йилдагидан ҳам мўл ҳосил териб олинмоқда. Зайниддин аканинг ҳисоб-китобига кўра, беш йилликнинг якунловчи йилида республикамиздаги, шунингдек унинг ташқарисидаги истеъмолчиларга бир ярим миллион донадан кўпроқ лимон жўнатилади.

Бундай юқори ҳосил цитрус экинларининг яхши ҳосил бердиган навларини етиштириш туфайли қўлга киритилаётир.

— Ўн биринчи беш йиллика лимонзорларимиз ҳосили бундан ҳам кўпаяди,— дейди теплица хўжалигининг бош директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фахрий академиги Зайниддин Фахриддинов.

Шу куларда 14 гектар майдонда теплицалар ишлаб турибди. Цитрус мевалардан олинаётган соф фойда 1 миллион 200 минг сўмдан ҳам ортиб кетди.

Суратда: З. Фахриддинов ўз ўғиллари Шамсиддин, Муҳаммадазиз, Евминдин билан бирга.

Г. Григорьев фотоси.
(ЎзТАГ).

«КОСМОС-1225» ПАРВОЗДА

1980 йил 5 декабрда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-1225» учирилди.

Йўлдош ичига космик фазони тадқиқ этишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СПОРТ

КУРАШ:

АНДИЖОНЛИК ПОЛВОННИНГ ҒАЛАБАСИ

Москвада самбо кураши бўйича энг оғир вазнли полвонлар ўртасида «Красная звезда» газетаси совғаси учун мамлакат мутлақ чемпионати бошланди. Мусобақада иштирок этаётган полвонлар орасида энг оғир вазнли ҳисобланган андижонлик Владимир Сободирёв дастлабки беллашувларни муваффақиятли ўтказди. 151 килограмм вазнли Владимир биринчи учрашувни москвалик динамочи Б. Антонов билан ўтказиб, ғалабани қўлга киритган эди. У иккинчи марта пойтахтлик армиячи Ю. Слободенюк билан майдонга тушди. Бу safar Сободирёв 1 минут 57 секундда рақибидан устун келишга эришди. Совриндорлик баҳси давом этмоқда.

БАҲСЛАР, МАРРАЛАР, ҒОЛИБЛАР

◆ **ВОЛЕЙБОЛ.** Олмаотада аёллар олий лига командалари ўртасида мамлакат XXXXIII чемпионати давом этмоқда. Олти команда иштирок этаётган мусобақада Тошкентнинг «Автомобилист» командаси бугунгача ўнта учрашув ўтказди. Волейболчиларимиз Олмаота уйсозлик комбинати (3:2), Одесса медицина институти (3:1) командаларидан устун келиб, москвалик динамочиларга (1:3) имкониятни бой беришди. Бугун тошкентликлар мамлакат чемпиони «Уралочка» командаси билан куч синашадилар.

◆ **БАСКЕТБОЛ.** Тошкентда эрканлар олий лига командалари мамлакат чемпионатининг иккинчи давра ўйинлари давом этмоқда. Тошкентнинг «Университет» командаси биринчи учрашувни тбилисилик динамочилар билан ўтказиб (78:75), муҳим ғалабани қўлга киритди. Бугун «Университет» ЦСКА командаси билан майдонга тушади.

◆ **ШАХМАТ.** Олмаликда устоз Азмиддин Хўжаев хотираси совғаси учун ўтказилган Бутуниттифоқ турнири якунланди. 13 имкониятдан 8,5 очко тўплаган николаевлик Ю. Аниканев бош совғани қўлга киритди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аппарати ва Ишлар бошқармаси партия ҳамда касаба союз ташкилотлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходими А. М. Азимовга отаси

Музаффар АЗИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институти коллективи «Автомобилларни техник эксплуатация қилиш» кафедрасининг ассистенти Т. Абдусатторовга отаси

Абдусаттор ҚОРАБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор— 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши— 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-28; вилоятлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона —4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.